O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

АРМИЯМИЗНИНГ ҚУДРАТИ – АВВАЛО, УНИНГ ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНГАН МУСТАҲКАМ РИШТАЛАРИДА, УЗВИЙ АЛОҚАСИДА НАМОЁН БЎЛАДИ.

**Ислом КАРИМОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
**2009** йил, **30** январь, жума № **5** (2288). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, **30** января, **2009** год, № **5** (2288). | Газета издается с 24 июня 1992 года.
Сотувда келишилган нархда
**E-mail: vatan@rol.uz**
В розницу – цена договорная

# ЎЗБЕКИСТОН–РОССИЯ: ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 22 январь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Аввало, мамлакатларимиз ўртасида 2004 йилда стратегик шериклик, 2005 йилда иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар имзоланиб, ўзаро ҳамкорликни олий босқичга кўтариш учун ҳуқуқий асос яратилганини таъкидлаш жоиз. Умуман, мамлакатларимиз ўртасида давлат ва ҳукумат даражасида турли йўналишлардаги ҳамкорлик масалаларини қамраган юз элликдан зиёд ҳужжат қабул қилинган.

Россия – Ўзбекистоннинг энг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардан ташқари, коинот тадқиқотлари каби мураккаб йўналишларда ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Россия ҳам, Ўзбекистон ҳам муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этиш керак. Бу манфаатдорлик иқтисодий шериклик ва халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлашда, шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш, турли таҳдидларга қарши курашиш борасида ҳам намоён бўлади. Россиянинг жанубий ҳудудлари хавфсизлигини таъминлашда Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда асосий ўрин тутувчи Ўзбекистон ғоят муҳим аҳамият касб этади. Икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳам жадал ривожлантирилмоқда. Бу ҳамкорлик ҳарбий машқлар ўтказиш, кадрлар малакасини ошириш, ҳарбий техникани янгилаш ва замонавийлаштириш каби муҳим йўналишларни ўз ичига олади.

Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Россия 2009 йилда ўз ташқи сиёсий фаолиятини Тошкент саммитидан бошлагани ҳам чуқур рамзий маънога эга. Бу муҳим воқеа Ўзбекистон ва Россияда икки томонлама муносабатларга алоҳида эътибор билан қаралишининг яна бир ифодасидир.

23 январь куни Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Президентлар Ўзбекистон-Россия муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Стратегик шериклик ва иттифоқчилик ўзаро ҳамкорлик тараққиётининг муҳим омили экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг сиёсий ва иқтисодий алоқалари жуда фаол ва кенг қамровга эга. Халқаро майдонда икки давлат бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Бу муайян масала ва муаммоларга қарашлар ўхшаш ёки яқин эканининг натижасидир. Сиёсий ҳамфикрлик Афғонистонда тинчлик ўрнатиш муаммосида ҳам, энергетик хавфсизлик борасида ҳам яққол намоён бўлади. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч қарор топган.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этгани ҳам муҳим омил бўлмоқда. 2008 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Россияга борди. Июнь ойида МДҲнинг Санкт-Петербургда ўтган норасмий саммити доирасида Ўзбекистон ва Россия Президентлари яна учрашдилар. Сентябрь ойида эса Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин Тошкентга келди.

**(Давоми 2-бетда).**



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

***Сарҳадларда сергак, юрт посбонлари!***

## ШУ СОНДА


- **Паҳлавон Тоҳир Маликнинг ашаддий мухлиси** 2
- **Tavsiyanoma olishga nomzodlar test topshirishdi** 7
- **Алла сеҳрли қўшиқми?** 8
- **Европанинг қадимий гравюрасида Мирзо Улуғбек тасвири** 11
- **TV – дастур** 12–13
- **Сканворд. Гороскоп. Табассум.** 15
- **Тыква – 9.144 долл.** 15
- **Бирйўла 8 фарзанд туғилди** 16
- **Ўғлим Бобораҳим билан фахрланаман** 17
- **Ампер соатини сувда қайнатган** 21




3 МУНОСАБАТ
**ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТИНИ ЎҚИБ**



4 «ЭНГ ИЛҒОР ГУРУҲ КОМАНДИРИ»
**ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ**



22 СПОРТ
**ЗИМНЯЯ ОЛИМПИАДА СРЕДИ КУРСАНТОВ**



24 МАДАНИЯТ
**БЕЛЛАШИШДИ «АЛПОМИШ», «БАРЧИНОЙ»ЛАР**

# СИЁСАТ

## ЎЗБЕКИСТОН–РОССИЯ: ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодий ҳамкорлик борасида Ўзбекистон ва Россия ишончли шериклардир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. 2008 йил якунларига кўра, бу борадаги кўрсаткич қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистон экспортида саноат маҳсулотларининг, хусусан, автомобилларнинг улуши (жами экспортнинг 28,6 фоизи) ортиб бораётгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Россияга хизматлар (26,3 фоиз), мева ва полиз маҳсулотлари (16,3), табиий газ (11,3), тўқимачилик буюмлари (5,7), кимё саноати маҳсулотларини (4,1) экспорт қилади. Россиядан эса асосан ускуналар, ёғоч, қора ва рангли металлар, тиббиёт, микробиология ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар импорт қилинади. Аслида экспорт-импорт операцияларида қайд этиладиган товарлар ва хизматлар рўйхати янада катта ва хилма-хил. Масалан, Ўзбекистон Россия тўқимачилик саноати корхоналарига пахта толаси етказиб берувчи асосий экспортчи саналади. Ўз навбатида Россия Ўзбекистон автомобилларининг энг йирик импортчисидир.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг суҳбатида мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорликни изчил ривожлантираётгани қайд этилди. Президентлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро иқтисодий инқирозниг салбий таъсирини камайтириш борасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Президентлар мулоқотни Ўзбекистон ва Россия расмий делегациялари иштирокида Оқсаройда ўтган кенгайтирилган таркибдаги музокарада давом эттирдилар. Унда асосий эътибор иқтисодий-сармоявий, гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Россия ўртасида сармоя соҳасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу соҳада фаоллик кескин ошди. Масалан, ҳозир юртимизда фаолият юритаётган 786 Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг учдан бир қисми кейинги икки йилда тузилган. Россия томонидан бу корхоналарнинг низом жамғармасини шакллантиришга киритилган сармоя ҳажми бир миллиард АҚШ долларидан ошади. Ўзбекистонда Россиянинг 127 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 349 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш бўйича МДҲ мамлакатлари орасида учинчи ўринда туради, дунё бўйича эса етакчи ўнликка киради. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Россиянинг «Лукойл», «Газпром» каби йирик энергетик компаниялари ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Бундай энергетик ҳамкорлик замон талабларига мос, ҳар томонлама долзарб бўлиб, табиийки, ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилади.

Яна бир муҳим соҳа – авиасозлик. Дунёда саноатнинг бу турини ўзлаштирган мамлакатлар саноқли. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Россиянинг авиасозлик соҳасидаги ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик қўшма тадқиқотлар ўтказиш, илғор технологиялар ва тажриба билан ўртоқлашиш, биргаликда авиасозлик саноати маҳсулотлари савдоси ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

Мамлакатларимизда янада юқори кўрсаткичларга эришиш учун улкан салоҳият мавжуд. Мутахассислар сармоявий ҳамкорликда қамров ва ранг-баранглик етишмаслигини таъкидлашади. Яъни, сўнгги 3 йил давомида Россиядан Ўзбекистонга киритилган тўғридан-тўғри сармоянинг 98 фоиздан ортиғи ёқилғи-энергетика мажмуи ва телекоммуникация соҳасига тўғри келади. Бундан шундай хулоса чиқадики, иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқларига ҳам, мазкур икки соҳада бўлганидек, сармоя фаол киритилса, сармоявий ҳамкорликка доир кўрсаткич бир неча ҳисса ортиши шубҳасиз.

Музокарада Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари фаол ва самарали ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган устувор йўналишлар кўриб чиқилди, сармоя соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, иш одамларининг икки мамлакат имкониятлари ҳақидаги маълумотини кўпайтириш учун миллий кўргазмалар, бизнес-форумлар ташкил этишни изчил давом эттириш, минтақалараро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар гуманитар ҳамкорлик масалаларига ҳам тўхталдилар. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик риштулари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ва Россия халқлари бир-бирининг адабиёти ва санъатини яхши билади.

Ўзбекистонда Рус маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда «Росзарубежцентр» ваколатхонаси ишлаб турибди. Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилган.

Спорт, сайёҳлик ва қатор бошқа соҳаларда ҳам алоқаларнинг кўламини кенгайтириш ва фаоллигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Маданият, спорт, дам олиш, саломатликни тиклаш каби соҳаларга оид сайёҳлик борасида талай қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Масалан, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар ташкил қилинса, икки томон учун ҳам катта самара беради.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Россия Президентларининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш шартлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Россия муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

– Россия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ривожланиб бораётган муносабатларимизнинг мантиқий давомидир, – деди Ислом Каримов. – Россия Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шеригидир. 2008 йилда жаҳонда иқтисодий вазият мураккаблашганига қарамай, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмининг кўрсаткичи ўзгаришсиз сақланиб қолмоқда. Биз кооперация алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сармоявий ҳамкорликни диверсификациялаш, халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқалар билан боғлиқ масалаларни, Афғонистон муаммосини муҳокама қилдик.

– Бугунги музокаралар ўзаро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасида эканини намоён этди, – деди Дмитрий Медведев. – Давлат сиёсати манфаатдорлик ва ишонч омиллари асосида шаклланади. Бизнинг алоқаларимизда ана шу икки омил мавжуд. Ўзбекистон билан Россия ўртасида яхши, фаол ва кенг кўламли муносабатлар қарор топган. Стратегик ҳамкорликни ривожлантириш мумкин бўлган устувор соҳаларни кўриб чиқдик.

Россия Президенти трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехник иншоотлар барпо этиш масаласи тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, бундай ҳолларда қўшни мамлакатлар билан келишиш, иншоотнинг экологик хавфсизлигини кафолатлаш, тегишли халқаро меъёрлар ҳамда қўшни давлатлар билан тузилган икки томонлама ҳужжатлар асосида иш тутиш лозимлигини таъкидлади.

Россия Президенти Дмитрий Медведев Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Олий мартабали меҳмон мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Дмитрий Медведев Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Россия Президентига ушбу олий таълим масканининг фахрий доктори унвони берилди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Олий мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қўйди.

Шубҳасиз, мазкур ташриф асносида эришилган келишувлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида равнақ топаётган Ўзбекистон-Россия муносабатларини янги, янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ПАҲЛАВОНИНГ ҚАЛҚОНИНГДИР, ОНА ЮРТ!



Хушхабарнинг қаноти бор, дейдилар. «Ўғлингиз орден олибди» – бу қувончли хабардан Ойдинхон опанинг юраги энтикди. «Паҳлавоним, танти ўғлоним...» Исми жисмига мос, ўзидан аввал яхши хабари келган ўғлонини она хаёлан ана шундай деб суйди. Уй-рўзғор, фарзандлар ташвишида ўтган йиллар изи қолган юзларини севинч селлари ювди. Уни қутлагани ҳамқишлоқлар, қариндош-уруғлар кела бошладилар. Ҳа, ҳа, айнан онани қутлагани келдилар. Шарафли касбда шараф топган, юртнинг фахру-ифтихорига айланган садоқатли фарзандлар қаторидан жой олган ўғилни тарбиялаб вояга етказган онани табрикламаслик мумкинми, ахир.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг 17 йиллиги юртимизда катта тантаналар билан нишонланди. Ана шу байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этишда қўшган ҳиссаси, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Паҳлавон Турсунов ҳам II даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

– Бу оила аъзоларим, яқинларим, сафдош дўстларимга ҳам бирдек қувонч олиб келган ҳаётимдаги энг унутилмас кундир, – дея ўз таассуротларини ўртоқлашади кичик командир. – Юксак мукофотда сафдошларимнинг ҳам ҳиссалари бор, уларсиз қанотсиз қушдекман, юксак мукофотда меҳрибон онамнинг ҳам ҳиссалари бор, дуолари билан қўллаган, орзуларимни қадрлаб, оқ йўл тилаганлар, оилам, жажжи фарзандларим ишончи менга ҳамиша улкан куч бағишлаган. Мен давлатимизнинг юксак мукофотини зиммамга ортилган янада юксак масъулият деб биламан. Бундан кейин ҳам намунали хизматим билан она юрт ишончини муносиб оқлашга интиламан.

Паҳлавоннинг ҳар бир саъй-ҳаракатида, бажараётган вазифасида, гап-сўзларида ўзига ишончи сезилиб туради. У ҳамиша биринчилардан бўлиб келган: ўқишда, хизматда, спортда. Избоскандаги 28-умумтаълим мактаби уни ўзларининг фахри деб билади. Ўқувчилик йилларидаёқ спортнинг миллий кураш тури билан шуғулланган йигитча вилоят миқёсидаги бир қатор спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлган. Унинг бугунги ютуқларини ҳам мактаб жамоаси ўзлариникидек қабул қилдилар.

– Мактабимиз оддийгина қишлоқ мактаби, – дейди қаҳрамонимизнинг биринчи муаллимаси. – Аммо унда таҳсил олган йигит-қизларнинг жуда кўпчилиги бугун турли ишлар билан юрт ишига елкадошдирлар. Бу йилги байрам биз учун янада шукуҳли ўтди. Собиқ ўқувчимизнинг юксак мукофот билан тақдирланганлиги биз муаллимларни ҳам қувонтириб юборди. Паҳлавоннинг бу муваффақиятини энг катта ва унутилмас байрам совғаси сифатида қабул қилдик.

У муддатли ҳарбий хизматга чақирилган кезлар миллий армиямизда профессионал асосда шаклланишнинг дастлабки босқичлари кечаётган эди. Дастлабки йилларнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бўлганлиги бугун барчага аён. Муддатли ҳарбий хизмат Паҳлавоннинг ҳаётида энг муҳим аҳамият касб этди. Айнан шу ерда у ўз ҳаётини армия билан боғлашга қатъий аҳд қилди. Бу вақтга келиб у ҳарбий хизматнинг шарафли ҳамда сермашаққат касблардан бири эканлигини, шу билан биргаликда ҳақиқий эр йигитлар касби эканлигини ҳам чуқур англаб етганди. Ҳаётини армия билан боғлаш ғўр ёшлик орзуси эмас балки аниқ мақсад бўлганлигига бугун барчамиз гувоҳмиз.

Спорт ҳарбий хизматчи фаолиятининг бир бўлагидир. Усиз жанговар ютуқларга эришиб бўлмайди. Паҳлавон бу борада ҳам барчага намуна. У Қуролли Кучларимизда энг яхши анъаналардан бирига айланиб улгурган Умумармия ўйинларининг энг фаол иштирокчиси ва совриндоридир.

Кичик командир хизматдан бўш вақтларини оиласи даврасида ўтказишни ёқтиради. Шуниси эътиборлики, у бундай дамларда мутолаага вақт ажратишга ҳаракат қилади. Қаҳрамонимиз ёзувчи Тоҳир Маликнинг ашаддий мухлиси.

Камтар, мулоҳазали, бурчига содиқ йигит қиёфасида бугунги миллий армиямизнинг суянчи ва таянчи бўлган кўпдан кўп фидойи посбонларимизни кўрамиз. Улар мустақил юртнинг мустаҳкам қалқонларидир.

**Назокат НОДИРШОҲОВА.**

# МУНОСАБАТ

Президент Мурожаатини ўқиб

# МУСТАҚИЛЛИКНИ, СУВЕРЕНИТЕТИМИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Бутун мамлакат – гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳридан бошлаб энг чекка қишлоқларгача – барча жойларда Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Эҳтимол, шу кунларда юртимизда тақдири Қуролли Кучлар билан чамбарчас боғланган, онги, билими, қобилияти, ишлари ва ўй-фикрлари ҳаётий муҳим бир ишга – мамлакатимизнинг давлат манфаатлари, мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш ишига қаратилган Ватаннинг содиқ ҳимоячилари – шонли ўғлонларимиз, акаларимиз, оталаримиз шарафига табрик сўзлари янграмаган оила топилмаса керак.

Байрам тадбирларининг энг юқори нуқтаси **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаати бўлди.** Мазкур тарихий ҳужжат мустақил Ватанимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ҳужжат ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан, мустақиллик ва суверенитетимизни ҳимоя қилиш доктринасидир. Ушбу ҳужжатнинг ўзига хос хусусияти, янгилиги нимада?

**Биринчидан,** мамлакатимиз Қуролли Кучлари ўз такомиллашувининг сифат жиҳатидан янги босқичига кирмоқда. Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида Юртбошимиз: **«Маълумки, Шарқда азал-азалдан 17 ёш балоғат ва етуклик рамзи ҳисобланади»,** деб айтган эди. Қуролли Кучлар учун ҳам бу ўзига хос марра – улғайиш маррасидир. Шу сабабли Мурожаатда давлатимиз раҳбари: **«Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш бўйича кўлами ва моҳиятига кўра ҳақиқатан ҳам улкан ишлар тизимли равишда ва босқичма-босқич амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш керак»,** деган эди.

**Иккинчидан,** ушбу Мурожаат – нафақат ҳарбий хизматчилар – Ватан ҳимоячилари билан, балки бутун халқимиз билан тўғридан-тўғри мулоқотдир. Юртбошимиз бевосита ватандошларимизга мурожаат қилиб, уларнинг эътиборини ўта жиддий масала – дунёда ва Марказий Осиё минтақасида ҳарбий-сиёсий вазиятнинг кундан-кунга кескинлашиб бораётганлигига, Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган уруш, террорчилик ва экстремистик фаолиятнинг, наркотажовуз кўламининг тобора кенгайиб бораётганлигига қаратмоқда. Бу вазият **«...армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш, уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади».** Бу эса, кўриб турганимиздек, умумхалқ, умумдавлат ишидир.

**Учинчидан,** Мурожаат яна бир бор армиянинг халқ билан мустаҳкам алоқасини намоён этмоқда. Маълумки, Қуролли Кучларимиз халқимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрамига айланган. Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар ҳам шундан далолат бериб турибди. Мазкур тадбирларни уюштирган ишчи гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари, ҳокимиятлар, жамоатчилик ташкилотларига жамиятимизнинг барча қатламларини кенг қамраб олган қизиқарли, оммавий, ранг-баранг тадбирлар ташкил қилганликлари учун миннатдорчилик билдирсак арзийди. Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб анжуманлар, маърузалар, суҳбатлар, Қуролли Кучлар фахрийлари, ёзувчилар ва санъаткорлар, фан, маданият намоёндалари, таниқли спортчилар билан учрашувлар, турли кўргазмалар ўтказилди.

Буларнинг барчаси – армия ва халқ якдиллигининг ёрқин намунаси, **армиямизнинг қудрати — унинг ўз халқи билан чамбарчас боғлиқлигида эканлигининг яққол исботидир.**

Мурожаат Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллик фаолиятига, унинг ташкил этилиши, шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашиб боришига якун ясайди, шунингдек, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва модернизациялаштириш, ҳар томонлама такомиллаштириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режасини белгилаб беради.

1991 йилнинг 14 январида мамлакат парламенти (ўша вақтда республика Олий Кенгаши) ўз қарори билан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча қисмлар, қўшилмалар, ҳарбий-ўқув юртлари, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа ҳарбий тузилмаларни Ўзбекистон тасарруфига олди. Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлиги остида қисқа муддатлар ичида Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунлари қабул қилинди, Ҳарбий қасамёд матни ва Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тартиби тасдиқланди. Ўша даврнинг ўзида Мудофаа ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

**1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий даражасини мустаҳкамлади, вазифа ва мақсадларини белгилаб берди.**

Бу Қуролли Кучларнинг ташкилий жиҳатдан қайтадан шаклланиш даври эди. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги Қарорига асосан командирларнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари институти тузилди, Қуролли Кучларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ҳарбий кадрларни тайёрлаш бўйича изчил тизим яратилди.

**1994 йил июнида Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти очилди.** Тошкент, Чирчиқ, Самарқанд ва Жиззахдаги ҳарбий билим юртлари кўп соҳаларни қамраб олган ўқув даргоҳларига айланди. Бу эса Қуролли Кучларимизни миллий ҳарбий кадрлар – яхши тайёргарликка эга бўлган ҳарбий мутахассислар, командирлар ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари билан таъминлаш муаммоларини қисқа муддатларда ҳал қилиш имконини берди.



1995 йилнинг 2 сентябрида Республикамиз пойтахтида минтақамиздаги биринчи **Қуролли Кучлар Академияси очилди.** Унинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримов: **«Ишончим комилки, йиллар ўтиб, авлодларимиз халқимизнинг мустақиллиги йўлида, унинг тинч бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилиш йўлида қилган ишларимизга муносиб баҳо беради»,** деб айтиб ўтди.

Мамлакатимиз аҳолиси ижтимоий ҳаётининг барча томонларини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, Президент Ислом Каримов томонидан XXI аср муқаддимаси учун ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш борасидаги тинч яратувчанлик меҳнати билан машғул бўлди. Аммо бир вақтнинг ўзида, йилдан-йилга **минтақамиз диний экстремизм ва халқаро терроризм экспансияси (тарқалиши)ни амалга оширишга интилувчи, хорижий марказлардан бошқарилувчи турли экстремистик кучлар кўз тиккан объектга айланаётгани яққол намоён бўлиб бораётганди.**

**Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондонининг ташаббуси ва унинг бевосита раҳбарлиги остида Қуролли Кучларни ягона давлат сиёсати асосида ислоҳ қилиш ва модернизациялаш дастури ишлаб чиқилди.**

Тарихан қисқа муддатлар ичида, хавфсизлигимизга нисбатан бўлаётган таҳдид ва хатарларни таҳлил қилиш асосида мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шакллантирилди. Ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари тузилди, ҳарбий операциялар олиб бориладиган энг муҳим йўналишларда жанговар қўшин гуруҳлари, ўз таркибида энг муҳим ҳарбий тузилмаларни бирлаштирган Қуролли Кучлар Бирлашган штаби ташкил этилди.

Қуролли Кучларимиз сафини тўлдириш тартиби изчил ва босқичма-босқич такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизмат 1 йилгача қисқартирилди, хизматга чақириш ва резервга бўшатишнинг янги муддатлари белгиланди. Бир йилда бир марта амалга ошириладиган чақирув ҳар йилнинг февраль-март ойларида, резервга бўшатиш эса март-апрель ойларида ўтказилиши белгилаб қўйилди. Янги хизмат тури – сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат жорий этилди. Замонавий ўқув базасига эга бўлган, салоҳияти тобора ортиб бораётган **сержантлар тайёрлаш мактаблари** ташкил этилди. Ва бугунги кунда, Президентимиз таъкидлаганидек: **«Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган сержантларимиз шахсий таркибнинг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг чиндан ҳам муҳим омилига, мухтасар айтганда, армиямизнинг асосий ўзагига айланди».**

Олий таълим муассасалари тизимида барча бўғинлардаги командирларнинг юксак профессионаллигини, уларнинг интеллектуал ривожланишини таъминлашга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш ишида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилиб, бу ҳарбий кадрларнинг сифат таркибини ўзгартирди ҳамда Қуролли Кучларни билимдон, салоҳиятли, юксак талабларга жавоб берадиган, замонавий фикрловчи командирлар билан тўлдириш имконини берди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлашиш ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланди. Бугунги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган 22 минг нафар ёшларимиз таълим олмоқда.

Қуролли Кучларда амалга оширилаётган янгиланишлар, ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қудрати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Қуролли Кучларимизнинг ўрни ва аҳамияти янада янги босқичга кўтарилди.

Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондонининг сўзлари билан айтганда: **«Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни вақтда миллий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган армиямиз она Ватан хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди».**

**А. КУРГАНОВ.**

# ИЛҒОРЛАР

«Энг илғор батальон командири»

## ЮРТ КОРИГА КАМАРБАСТА

**Шундай инсонлар борки, улар ҳақида фахрланиб, ғурурланиб гапиргинг келади. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўлларини, қилаётган эзгу ишларини барчага ибрат қилиб кўрсатсанг арзийди. Мана шундай фидойи, ҳам тарбиячи, ҳам устоз, юрт ҳимоясига, эл корига камарбаста бўлиб, Ватан олдидаги шарафли вазифасини муносиб ўтаб келаётган шунқорлардан бири офицер Акмал Ортиқовдир.**

У билан ўтган йили полигонда ёзги мавсум ўқув машғулотлари ўтказилаётган вақтда илк бор учрашган эдим. Отиш машқига раҳбарлик қилаётган офицердаги шижоат, матонат, билим ва маҳорат менда катта таассурот қолдирган эди, ўшанда. Унинг ҳаракатларини кузатиб, посбонларга бўлган эътиборини, уларни ўз ортидан эргаштира олиш, командирлик қобилиятини кўриб, «келажаги бор офицер экан», дея хаёлимдан ўтказгандим.

Дарҳақиқат, офицер А. Ортиқов фидойи ҳарбийлардан. У ўтган йили «Энг илғор мутахассис» танловида муваффаққиятли иштирок этиб, «Энг илғор батальон командири» номинациясида ғолиб бўлди. Учта босқичдан муваффақиятли ўтган посбонлар сўнгги ҳал қилувчи босқичда бор куч ва билимларини ишга солиб, ғолиблик сари интилдилар. У танловга илк бор қатнашиши эмас. Бу борада ўзига етарли тажриба ва кўникмага эга бўлган офицер аввалги босқичларда ҳам қатнашиб, «Энг илғор гуруҳ» ва «Энг илғор взвод командири» номинацияларида ҳам ғолибликни қўлга киритган.

– Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Ютуққа эришиш учун жиддий тайёргарлик кўришга, ўқиб-ўрганишга тўғри келди – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Танловга тайёргарлик кўришимда қисм қўмондонлиги томонидан ҳам катта ёрдам берилди. Изланиш ва билимларим зое кетмади, олдимга қўйган мақсадимга эришдим.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугатган офицер Ортиқов хизматининг илк кунлариданоқ, келажакда етук ҳарбий, командир ва тарбиячи бўлишга ҳаракат қилди. Устозларидан олган билимларини амалиётда мустаҳкамлаб борди. Шу боис ҳам қисқа фурсат ичида у профессионал ҳарбий хизматчилар сафидан муносиб жой олиб улгурди.

– Ҳарбийлик ҳаётим мазмуни десам, хато қилмайман, – дейди у биз билан суҳбатда. – Бу касбнинг қанчалик масъулиятли ва шарафли иш эканлигини юрт ҳимоячилари яхши англашади. Ёшлигимдан орзу қилган касбимнинг эгаси бўлдим. Шу касбда камол топяпман, юртимга, халқимга нафим тегаяпти, менга шунинг ўзи катта бахт. Ҳали олдинда кўплаб режаларим бор. Уларни амалга оширишим учун кўп ўқишим, изланишим лозим. Шунда янада юксак марраларни забт этишимга ишонаман.

У спорт бўйича ҳам кўплаб ютуқларга эришган. Ўтказилиб келинаётган Умумармия ўйинларида енгил атлетика бўйича фахрли ўринларни қўлга киритган. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, офицер Хитойда ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган спорт мусобақасида иштирок этиб, югуриш бўйича фахрли 1-ўринга сазовор бўлди.

Қаҳрамонимиз 2006 йилда Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 15 йиллигида фидойи ва намунали хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти – «Жасорат» медали билан тақдирланган.

– Офицер Ортиқов ҳақиқий ҳарбий, ўз касбининг устаси, тажрибали командир, моҳир тарбиячидир, – дейди подполковник Қаҳрамон Очилов. – У тарбия қилган ва билим берган посбонлар ҳам ҳар томонлама камол топишмоқда. Ўтган йилги синов машғулотларида ҳам унинг шахсий таркиби барча тайёргарликлар бўйича юқори натижаларга эришиб, илғорлар сафидан жой олди.



Ҳа, жанговар шайликни оширишда ҳарбий хизматчиларнинг юксак маҳорати, малакаси, тажрибаси ҳамда соҳаси бўйича ўзлаштирган билимлари муҳим аҳамиятга эга. Офицер Акмал Ортиқов ушбу масъулиятни юракдан ҳис қилиб, ўз билимларини янада бойитиб, тажрибасини ошириб бормоқда. Унинг келажакда профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этишига ишончимиз комил.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

«Энг илғор гуруҳ командири»

## ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ



«...Миллий мудофаани барпо этиш соҳасидаги чуқур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қудрати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Қуролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янада янги босқичга кўтарилди...» дейилади мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида. Бу дастлабки шаклланиш йилларидан шу кунга қадар ўтган шонли бир даврга берилган юксак баҳо, юксак эътирофдир. Миллий армиямизнинг юксак даражадаги жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлигида унда ўтказилаётган турли кўрик-танловларнинг ҳам салмоқли ўрни бор. Ана шундай танловлардан бири Юртбошимиз ташаббуслари билан анъанавий тарзда ўтказиш йўлга қўйилган «Энг илғор мутахассис» кўрик танловидир. Мазкур танлов Қуролли Кучларимизнинг энг иқтидорли, маҳорат бобида тенгсиз бўлган замонавий жанговар санъат билимдонларини кашф қилади, юртга танитади.

Ёш офицер Баҳодир Шаропитдинов ҳам ана шу нуфузли кўрик-танловнинг иштирокчисидир. У нафақат иштирокчи, балки «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида биринчи ўринга сазовор бўлган музаффар посбонлардан биридир.

– Ҳарбийликни болаликдан орзу қилган бўлсангиз керак-а, – деган саволга у шундай жавоб қилгани ёдимда: «Бу менинг мақсадим эди, бошқача бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаганман!»

Инсоннинг шаклланишида оила муҳитининг аҳамияти беқиёс. Болалар ҳамиша катталарга, айниқса, оталарига ўхшашга интиладилар. Баҳодир ҳам болаликдан отасига, офицер Бахритдин Шаропитдиновга ўхшашга ҳаракат қилиб келди. Оиладаги икки ўғил ҳам оталари изидан бориб, шарафли касб этагини тутдилар.

Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тантанада иштирок этган ёш офицернинг отаси Бахритдин ака у ҳақда шундай деди:

– Ўғлим Баҳодирнинг танловда иштирок этаётганидан хурсанд бўлдим. Чунки бу танловнинг ғоят жиддий, қизғин курашларга бой бўлишини, Қуролли Кучларимизнинг энг сара посбонлари куч синашишларини яхши биламан. Куч, тадбиркорлик, ақл-заковат, юксак билим ва маҳорат намойиши бўлган танлов ҳақиқий мардлар синаладиган майдонга ўхшайди. Ана шундай нуфузли мусобақада ғолиб бўлган ўғлим билан фахрланаман. Бу ёш офицер фаолиятидаги дастлабки улкан ютуқдир. Ўйлайманки, у бу муваффақияти билан чегараланиб қолмайди. Мазкур муваффақият янгидан-янги ютуқларга чорлаб туради.

Посбон йигит Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида таҳсил олган. Бу ердаги таҳсил йиллари унутилмас воқеаларга бой. Ўқишдан сўнг бошланган дастлабки хизмат йилларидаёқ иқтидорли ёш офицер яхшигина спортчи эканлигини кўрсата билди. Биз офицернинг шахсий намунаси деган иборани бот-бот такрорлаймиз. Билим юртида взвод командири бўлиб хизмат қилган офицер Равшан Тошпўлатовга бу ибора айнан мос келади. Фидойи офицер кўплаб курсантлар кўнглида шахсий намунаси билан спортга муҳаббат уйғотди. Баҳодир ҳам уларнинг бири эди. Ана шу қизиқиш бугунги кунда уни ҳарбий спортчи сифатида кўпчиликка танитди.

Бундан ташқари Баҳодир Шаропитдинов якуний синов машғулотлари натижаларига кўра ижтимоий сиёсий ва жанговар тайёргарликлар бўйича кўкрак нишонларига сазовор бўлган. Демак, у нуфузли танловга қадар ҳам ўз устида тинимсиз ишлаб, ғолибликка пухта замин ҳозирлаган.

– Ютуқларимда албатта, сафдошларим – офицерлар Шуҳрат Усмонов, Шерзод Ҳикматовларнинг ҳам ҳиссалари бор, – дейди у. – Бундан ташқари шартнома бўйича хизмат сержантлари Жавлон Жалолов, Илҳом Икромов, Ботир Ниёзовларнинг намунали хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Ана шундай фидойи посбонларнинг кўплиги гуруҳимизнинг ҳамиша етакчилар сафида бўлишини таъминлаб келмоқда.

Ҳа, ёш офицер фаолияти дастлабки йилларданоқ муваффақиятларга бой бўлмоқда. Катта лейтенант Баҳодир Шаропитдинов ҳали кўп бора ҳарб илми борасида ўз маҳоратини нуфузли майдонларда муваффақият билан намойиш этишига ишонамиз.

**Инобат ИБРОҲИМОВА.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

Отличники учебы

## ИМЕННАЯ СТИПЕНДИЯ ОБЯЗЫВАЕТ



На Специальном факультете ТУИТ, где учился лейтенант Бобуржон Ганиев, его навечно зачислили в списки личного состава, а отличники учебы ежегодно поощряются стипендией его имени.

В преддверии празднования 17-й годовщины Вооруженных Сил здесь объявлено имя нового обладателя именной стипендии. Им стал курсант пятого курса младший сержант Шерзод Тожибоев.

– Он заслужил право на именную стипендию не только отличной учебой, но и образцовой воинской дисциплиной, активным участием в общественной жизни, – так отозвался о стипендиате заместитель начальника факультета по воспитательной работе подполковник Исроил Мирзаев. – При этом учитывались его достижения в учебе, боевой и общественно-политической, физической подготовкам в течение всех лет учебы.

Юноша из кишлака Ойин Джалалкудукского района Андижанской области еще в школьные годы увлекался легкой атлетикой, каратэ, футболом. Его мама, Мукаддасхон-апа, школьная учительница истории, очень гордилась сыном, окончившим школу с отличием. И на Специальном факультете Шерзод с первых лет учебы серьезно настроился только на отличные оценки.

Лидерские качества курсанта, его стремление быть первым в учебе и спорте сразу подметили командиры. Уже на третьем курсе Шерзоду было присвоено воинское звание младший сержант, он стал командиром курсантской секции.

Роль младшего командира обязывала молодого человека не только отлично учиться самому, но и подавать пример товарищам в общественной работе, во время занятий спортом. Так, младший сержант Ш. Тожибоев выполнил второй разряд по военному многоборью, успешно выступив за сборную факультета на Всеармейских играх по военно-прикладным и олимпийским видам спорта. Так что нагрудный знак «Харбий спортчи» вполне заслуженно засиял на его груди.

У второго нагрудного знака «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» тоже своя история. Предстояло участие факультетской команды в состязании «Шижоат майдони». И снова одним из самых активных ее участников стал младший сержант Ш. Тожибоев, сумевший уверенно повести за собой товарищей-курсантов.

– Весть о том, что меня удостоили стипендии имени лейтенанта Бобуржона Ганиева, наполнила мое сердце гордостью, – взволнованно говорит курсант. – Все годы учебы на факультете подвиг старшего товарища всегда был перед моими глазами. У нас неоднократно бывали члены семьи Ганиевых, рассказывали о нем. Так что для всех нас он будет вечно живым, оставаясь символом любви и верности Родине, преданности воинскому долгу.

В эти дни младший сержант Ш. Тожибоев еще больше времени проводит в курсантской библиотеке. Ведь именная стипендия обязывает учиться еще лучше, стремиться к новым высотам знаний, новым достижениям в воинском труде на благо родной Отчизны. Память о боевом товарище придает новые силы и вдохновение.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
**Фото Алексея ДЕМЬЯНОВА.**

# АРМИЯ ТАЯНЧИ

## ВАЖНЕЙШИЙ ФАКТОР ВЫСОКОЙ БОЕВОЙ ВЫУЧКИ

В начавшееся по инициативе главы нашего государства реформирование Вооруженных Сил был положен принцип последовательного перехода к профессиональной армии. Для создания принципиально новой национальной армии нужны были и новые военные кадры, как среднего и высшего командного звена, так и звена младших командиров.

Другими словами, нужны были высоко подготовленные и всесторонне развитые в военном отношении младшие командиры и младшие военные специалисты, способные освоить современные новейшие виды оружия и боевой техники, воины-профессионалы, обладающие высокими морально боевыми и психологическими качествами, способные передавать свои знания и опыт подчиненным солдатам срочной военной службы, а также сослуживцам-военнослужащим контрактной службы рядового и сержантского состава.

Решение этой многоплановой задачи потребовало пересмотра всей системы подготовки и воспитания сержантов. Были созданы **оснащенные новейшим оборудованием, компьютерными и информационными технологиями школы подготовки сержантов.**

Сегодня можно смело утверждать, что благодаря созданной уникальной системе подготовки сержантов, одним из важнейших результатов военной реформы стало качественное изменение духовно-нравственного интеллектуального и профессионального облика наших сержантов. Оценивая их подготовку и практическую деятельность в войсках, Президент страны, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами Ислам Каримов говорит: **«Сегодня сержанты, прошедшие обучение в специальных хорошо оснащенных сержантских школах, не только самые близкие к солдатам младшие командиры, они, если хотите, — старшие братья для всего рядового состава, важный фактор здоровой морально-психологической и духовно-нравственной обстановки в воинских коллективах».**

Сегодня мы имеем хорошую и надежную когорту таких прекрасно подготовленных сержантов. Многие из них награждены государственными наградами, поощрены Министром обороны, начальником Объединенного штаба Вооруженных Сил, другими командирами и начальниками. В Обращении Президента Республики Узбекистан, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил, подчеркивается: **«Немало сделано в эти годы в деле совершенствования системы профессиональной подготовки сержантских и офицерских кадров. Сегодня почти две трети сержантов прошли обучение в оснащенных современной учебной базой и ставших престижными школах подготовки сержантов».**

Сержанты — самый многочисленный отряд наших командных кадров. Они — костяк Вооруженных Сил. Постоянно находясь со своими подчиненными по экипажу, расчету, отделению, группе, дежурной смене, они хорошо знают нужды и запросы солдат, их интересы и помыслы, имеют все возможности для организации службы и всей повседневной деятельности воинов в строгом соответствии с требованиями Общевоинских уставов. На занятиях, учениях в карауле, на боевом дежурстве сержант первый помощник и опора офицера. Он — строгий командир и воспитатель, заботливый и принципиальный наставник, добрый и отзывчивый товарищ.

**Сержант — первый и самый ближайший к солдату командир.** Молодого воина, впервые переступившего порог воинской части, он учит азам военной науки, порядку и правилам поведения владеть оружием и боевой техникой. Сержант учит подчиненного высокой правовой культуре, беспрекословно и точно выполнять все приказы и распоряжения командиров и начальников, твердо знать и строго выполнять требования Военной присяги и Общевоинских уставов, быть всегда дисциплинированным, верным воинскому долгу.

**Сержант — это прежде всего профессионал,** обладающий высоким интеллектом, командир или младший военный специалист, мастер своего дела, влияющий на подчиненных силой личного примера, силой своих глубоких знаний и прочных навыков. Любой сержант, какую бы должность он ни занимал, должен быть надежным боевым помощником, опорой офицера в решении учебно-боевых задач и в укреплении воинской дисциплины.

**Сержант — это не только непосредственный начальник подчиненных, он их наставник и руководитель.**

Сержант должен владеть действенным методом воспитания, индивидуальным подходом в работе с людьми. Ведь еще великий Амир Темур писал: «Я обдумывал свое поведение относительно солдат: как я обойдусь с одним, какие приказания дам другому». В основе основ был индивидуальный подход.

**Сержант — профессия мужественных людей.** Он всегда на переднем крае, в любой ситуации должен обладать присутствием духа. Потому что в любой обстановке все взоры солдат прикованы к сержанту, к его поведению и действиям. Именно в такие моменты сержант должен вести себя мужественно. Уметь преодолевать свои слабости, вызванные опасной ситуацией, быстро принимать, сообразуясь с обстановкой, правильные решения, не терять присутствия духа, смело и решительно выполнять поставленную задачу.

Быть сержантом в Вооруженных Силах почетно и ответственно. И потому круг обязанностей сержанта очень широк и охватывает все основные сферы деятельности военнослужащего Вооруженных Сил. Одно из самых важных мест в деятельности сержанта занимают вопросы воспитания солдат, укрепления воинской дисциплины и сплочения воинского коллектива.

**Во-первых,** это формирование и развитие у солдат навыков и привычек дисциплинированного, коллективистского поведения. Речь идет о личной дисциплине воина и его поведении в рамках воинского коллектива. Поэтому задачи всех командиров подразделений — и офицеров, и сержантов — состоит в том, чтобы всей системой организации уставного внутреннего порядка, караульной и внутренней службы, учебных занятий по боевой и общественно-политической подготовке, боевого дежурства, досуга воинов формировать у них чувство дисциплинированности и коллективистские качества. Службу и всю внутреннюю жизнедеятельность подразделения, организованную в строгом соответствии с уставами, **дополнять специальными эмоционально-волевыми упражнениями, предполагающими преодоление трудностей, требующие проявления коллективизма и закаляющие волю и чувства как солдат, так и всего воинского коллектива.**

**Во-вторых,** важнейшим условием укрепления воинской дисциплины в подразделении является постоянная высокая требовательность сержанта. Требовательность в первую очередь к себе и к подчиненным, которая обеспечивает четкий ритм боевой и общественно-политической подготовки, соблюдение военнослужащими строгого уставного порядка, высокую исполнительность и качественное решение поставленных перед подразделением задач.

Но для того, чтобы требовательность была действенным и надежным рычагом укрепления воинской дисциплины, она должна отвечать трем важнейшим положениям. Первое — она должна предъявляться во всех сферах воинской деятельности: на занятиях, на боевом дежурстве, в карауле и внутреннем наряде, на полигоне и расположении. Второе — она должна предъявляться всеми командирами подразделения — офицерами и сержантами. Третье — она должна быть гибкой, то есть учитывать характер деятельности военнослужащего, его индивидуальные особенности, психологическое состояние и другие факторы.

Требовательность непременно должна включить и контроль за действиями подчиненных, нетерпимость к недостаткам, а также доверие к солдату, чуткость и тактичность.

**В-третьих,** важнейшим средством укрепления воинской дисциплины в руках сержанта является его **личный пример.** Каждый сержант должен быть, если так можно выразиться, эталоном для солдат, в профессиональном, организационном, тактическом, духовно-нравственном и правовом отношениях.

**В-четвертых,** важную роль в работе сержанта по укреплению воинской дисциплины и сплочению воинского коллектива играет его **умение правильно строить свои взаимоотношения с подчиненными.** Сержант должен быть близок солдатам. Но его взаимоотношения с ними не должны переходить к панибратству. Любое отступление от устава, проявление беспринципности или попустительства во взаимоотношениях ослабляет требовательность, отрицательно действует на коллектив.

Воинский коллектив — это живой, сложный организм, имеющий свою «душу». И знать психологию не только каждого воина, но и всего коллектива, значит, умело ориентироваться в том, какую форму воздействия выбрать в тот или иной момент. Надо помнить и о том, **что важнейшим условием успешного формирования уставных взаимоотношений в коллективе является педагогический такт сержанта, его умение подойти к людям, завоевать их доверие и уважение.**

Авторитет командира имеет огромную побудительную силу. Он во много раз умножает действенность любого отданного им распоряжения или приказания. Авторитет командира сплачивает коллектив.

**Сержант должен быть воспитателем, хорошим психологом и педагогом.** Главное добиться, чтобы в его подразделении каждый воин был убежден, что никому не будет позволено посягать на его человеческое достоинство, что каждый солдат полноправный член в коллективе и что его личный успех зависит от коллектива, а успех коллектива зависит от личных успехов каждого воина.

**Анфим ХЛЫЗОВ.**







Фото из архива редакции.

## ПЕШҚАДАМЛИК БИЛАН

**Ҳарбий жамоа сардори қўл остидаги етакчи посбонларга таяниши ҳамда бошқаларни улардан ўрнак олишга ундаши табиий. Зеро улар ҳар қандай шароит ва вазиятда қўйилган топшириқни сифатли бажаришнинг уддасидан чиқадиган, етарли билим ва тажрибага эга, бир сўз билан айтганда, командир ишончини оқлаган шунқорлардир. Сержант Баҳром Ориповни ҳам шулар қаторига киритишга ҳақлимиз.**

Шартнома бўйича ҳарбий хизмат сержанти билан синов машғулотларини топшираётган пайтда суҳбатлашдик. Синов машқининг бажарилиши ҳамда вақт кўрсаткичларини назорат қилаётган машғулот раҳбари дадиллик, ўзига ишонч билан ҳаракат қилаётган сержантга аъло баҳо қўйди. Бироқ эришган натижасига қарамай юзида безовталик акс этаётган посбондан бунинг боисини сўраганимда, қуйидаги жавобни олдим: «Сафдош дўстларим ҳам синовларни яхши топширишини хоҳлайман. Унгача эса ўзимнинг ғалабам татимайди».

Ҳа, аскарий биродарлик, сафдош, қуролдош дўстларини қўллаб-қувватлаш, уларга далда бўлиш ҳамда куюниш худди шундай пайтларда билинади.

Дарвоқе, ҳарбий хизматчи ўз имкониятлари, интеллектуал салоҳияти ва жисмоний кўрсаткичлари ҳақида маълумотларга эга бўлиши мумкин. Лекин кўп нарса айнан ўша имкониятлардан тўлиқ, унумли фойдаланишнинг уддасидан чиқишга боғлиқ. Буни яхши билган сержант Орипов ва унинг сафдошлари пешқадам посбонлар тажрибасидан фойдаланадилар.

Маълумки, Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида 2008–2009 ўқув йили «Юксак ватанпарварлик, жанговар малака ва профессионал тайёргарлик, қурол ва ҳарбий техникани моҳирона эгаллаш, уларни қатъий ҳарбий интизомни мустаҳкамлаган ҳолда намунали ва қўллашга доимий шай ҳолатда сақлаш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи» шиори остида ўтмоқда. Саъй-ҳаракатлари ушбу мақсадларга қаратилган ҳарбий алоқачилар севимли байрам – Ватан ҳимоячилари кунини хизматдаги ютуқлари билан қарши олдилар.

– Менга ишониб топширилган алоқа тизимининг техник кўрсаткичлари ва имкониятлари, унга хизмат кўрсатиш тўғрисида тўлиқ маълумотга, билимга эга бўлиш – асосий вазифаларимдан бири, – дейди кичик командир. – Қолаверса, шиддат билан ривожланаётган техника, компьютер ва нанотехнологиялар даврида, хусусан, алоқа соҳаси янгиликларидан воқиф бўлиш ҳам ниҳоятда муҳим.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи Баҳром Орипов билан хайрлашаётганимизда у «ҳамроҳи» – алоқа воситасини елкасига осганча навбатдаги машғулотга, яъни хизматдаги янги марраларни забт этишга кетди.

**Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.**

Prezidentimiz Murojaatini o'rganamiz

# SABOQLAR TOBLAR POSBONNI

Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan yurtimizning har bir go'shasida fayzli tantanalar bo'lib o'tdi. Ayyom tarovati hali-hamon davom etmoqda. Ha, sokin yurtga ana shunday bayramlar, to'y-tantanalar yarashadi. Ana shu osoyishtalikni esa mard, jasur, fidoyi va yovqur posbonlar ta'minlaydi.

Aslida umumxalq ishi bo'lgan Vatan himoyasi, muborak istiqlolni asrash shu aziz diyorda yashayotgan har bir fuqaroning burchidir. Zimmalariga osoyishtalikni asrashdek ustuvor maqsadni olgan harbiylarimiz esa bu o'rinda yana ham hushyor, tayyorgarliklari doimo mustahkam bo'lishlari alohida talab etiladi.

Bu borada Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan e'lon qilingan Prezidentimizning Murojaatnomasida belgilab berilgan vazifalar posbonlarimiz uchun muhim dasturil-amal, desak xato qilmaymiz. Ayni kunlarda harbiy qism va bo'linmalarda posbonlar mazkur Murojaatnomani qunt bilan o'rganishmoqda. Bu borada davra suhbatlari hamda ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg'ulotlari bo'lib o'tayapti.

Samarqand oliy harbiy avtomobil qo'mondonlik-muhandislik bilim yurtida ham shaxsiy tarkib bilan bunday tadbirlar uzluksiz ravishda olib borilayapti. Jumladan, o'quv jarayonini ta'minlash batalyonida muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan askarlar bilan ofitser Bobomurod Hamdamov o'tayotgan mashg'ulotni kuzatganimizda, zukko va tirishqoq posbonlarning faolliklariga guvoh bo'ldik.

Mashg'ulot rahbari ma'ruza o'qish davomida posbonlarga tushuntirishlar berib bormoqda. Ko'zda tutilayotgan maqsad va belgilangan vazifalar shaxsiy tarkibga yetkazilayapti. O'z o'rnida posbonlar mavzuni daftarlariga qayd etib borisharkan, mulohazalarini ham bildirib o'tayaptilar.

— Yurt osoyishtaligi yo'lida xizmat qilishga bel bog'lagan posbon vaziyatni tezkor anglashi va har doim yuksak hushyorlikda Vatanni, xalqimizning tinchligini qo'riqlashi, chuqur bilimli bo'lishi shart. Buning uchun undan harb ilmi saboqlari qatori ijtimoiy-siyosiy bilimlarni ham chuqur egallash talab etiladi. Aynan ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg'ulotlarida posbon dunyo va mintaqadagi harbiy-siyosiy vaziyat Qurolli Kuchlar oldiga qanday vazifalar qo'yishini yaxshi anglab oladi, — deydi ofitser To'ra Jo'rayev. — Shu bois ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik darslarida tezkor axborot, tahlil, hujjatli va o'quv filmlari namoyish etilishining ahamiyati kattadir.— Prezidentimizning "O'zbekiston Qurolli Kuchlarining 17 yillik bayramiga bag'ishlangan Murojaati"da yettita muhim vazifa belgilab berilgan, — deydi muddatli harbiy xizmat oddiy askari Hamidbek Masharipov. — Uni puxta o'rganish asnosida tayyorgarliklarni yana ham mustahkamlash, bilim va malakani oshirish, hushyorlikni saqlash hamda Vatanga fidoyilik bilan xizmat qilishdek ezgu maqsadlarni anglab yetish mumkin.

— Prezidentimizning Murojaatnomasidagi "Harbiy xizmatchilarning ma'naviy-ruhiy, siyosiy tayyorgarligini yanada takomillashtirish darkor. Barcha bo'g'indagi komandirlarning faoliyati ofitserlar, serjantlar va askarlarda yuksak ma'naviy va axloqiy fazilatlarni tarbiyalash, faol hayotiy pozitsiya hamda vatanparvarlik, mamlakat taqdiri uchun mas'uliyat hissi bilan yashash, yurtimiz mustaqilligi va xavfsizligini mustahkamlash tuyg'usini yanada kuchaytirishga qaratilishi lozim. Armiya amalda yoshlarni ma'naviy, jismoniy jihatdan barkamol inson va yetuk grajdan sifatida voyaga etkazadigan hayot maktabiga aylanishi shart..." — deyilgan fikrlar bizni yanada ruhlantirdi, — deydi yana bir askar, milliy kurash bo'yicha O'zbekiston chempioni va O'zbekiston kubogi sohibi Eliboy Ibragimov. — Rostdan ham armiya hayot maktabidir. Unda har tomonlama shakllangan va toblangan o'g'lon hayotda aslo qiynalmaydi. O'z kelajagini, hayot yo'lini adashmay topib oladi. Ayniqsa, bu yerda jismonan chiniqish bilan bir qatorda keng hayotiy bilimlarni ham puxta egallash er yigitning shaxs sifatida kamolga yetishida muhim poydevor vazifasini o'tashi barchamizga g'oyat manzur bo'lmoqda.

— Yurtboshimizning tegishli Farmoniga binoan hademay o'tgan yil bahorda va istisno tariqasida kuzda xizmatga chaqirilganlar rezervga bo'shatilishga tayyorlanayapti. Shu kunlarda askarlar test savollariga javob beradilar. Natijalarga qarab, tavsiyanomaga munosiblarni aniqlaymiz. O'tgan mavsumda bunday natijaga juda ko'pchilik askarlarimiz erishgan edi. Hozircha eng bilimdon, tirishqoq, tartib-intizomli askarlarimizdan Sanjar Abdurahmonov, Sardor Jo'rayev, Akram Maqsudov va Faxriddin Ergashyev kabilarni alohida aytib o'tishimiz mumkin, — deydi ofitser Ramz Imomov.





**Katta leytenant Yoshin HAKIMOV,**
**"Vatanparvar" muxbiri.**
**Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.**

Tavsiyanoma — muhim imtiyoz

# MAHORAT VA ZAKOVAT SINOVI

Qurolli Kuchlarimiz saflarida o'zlarining Vatan oldidagi konstitutsiyaviy burchlarini sharaf bilan ado etayotgan yigitlarga bugun ko'plab imtiyozlar berilmoqda. Ularning har tomonlama yetuk, bilimli, mahoratli posbonlar bo'lib shakllanishi, kelgusida mamlakatimiz ravnaqiga munosib hissa qo'sha oladigan barkamol o'g'lonlar bo'lib voyaga yetishlari uchun qator imkoniyat, shart-sharoitlar yaratilgan. Bu Vatan manfaatlarini har narsadan ustun qo'yib, kechani kecha, kunduzni kunduz demay sarhadlarimiz daxlsizligi va el-yurt tinchligini himoya qilib kelayotgan Vatan himoyachilariga hukumatimiz tomonidan qaratilayotgan yuksak e'tibordan.

Ma'lumki, muddatli harbiy xizmat davomida jangovar, ijtimoiy-siyosiy tayyorgarliklardagi yutuqlari bilan o'zini har tomonlama ko'rsata olgan a'lochi askarlarga tavsiyanomalar beriladi. Qarorga ko'ra, mazkur tavsiyanomaga ega bo'lganlar oliy o'quv yurtlariga o'qishga kirishda test sinovlarida to'planishi mumkin bo'lgan eng ko'p ballning 25 foizi miqdorida imtiyozga ega bo'lishadi.

Kuni kecha Qurolli Kuchlarimiz saflarida o'z yigitlik burchini o'tayotgan posbonlar ana shunday yuksak imtiyozga ega bo'lish maqsadida ijtimoiy-siyosiy va jangovar tayyorgarlik bo'yicha test sinovlarini topshirdilar. U O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi tomonidan o'tkazildi. Biz sinovlarni topshirib chiqqan askarlarni suhbatga chorladik:

**Oddiy askar Farid SULAYMONOV:**

— Bugungi test sinovlari orqali muddatli xizmat davomida o'rganganlarimiz, armiyada ustoz ofitserlar va serjantlardan olgan bilim va ko'nikmalarimizni sinovdan o'tkazdik. Muddatli harbiy xizmat mening dunyoqarashimni kengaytirdi, tafakkurimni boyitdi. Mashg'ulotlarda toblandim, chiniqdim. Hademay uyga — ota-onam, oilam bag'riga qaytaman. Agar tavsiyanomaga ega bo'lsam, ularning quvonishi tabiiy. Chunki bunday yuksak imtiyozga faqat eng sara, bilimli o'g'lonlar sazovor bo'ladi-da!

**Oddiy askar To'rabek BOYQULOV:**

— Armiya hayotimda o'chmas iz qoldirdi. Bu yerda ko'p saboqlar oldim. Harbiy xizmatgacha sport bilan muntazam shug'ullanganim ancha qo'l keldi. Ko'plab yutuqlarni qo'lga kiritdim, muddatli harbiy xizmatchilar o'rtasida o'tkazilgan musobaqalarda g'olib bo'ldim va «Harbiy sportchi» ko'krak nishoniga ega bo'ldim. Ijtimoiy-siyosiy va jangovar tayyorgarlik bo'yicha mashg'ulotlarda ofitserlar A. Muqimov, V. Ochilov, shartnoma bo'yicha xizmat serjantlari — O'tkir Roziqov, Farhod Xudoyqulovlardan sohaga oid bilimlarni o'zlashtirdik. Xizmatim poyoniga yetgach, oliy o'quv yurtida tahsil olmoqchiman. Bu niyatimning ushalishida tavsiyanoma katta yordam beradi, albatta. Shu bois sinovlarga puxta hozirlandim.

**Oddiy askar Jahongir ABDURAHIMOV:**

— Xizmat davomida malakali ustoz-ofitserlar va serjantlar tomonidan mashg'ulotlarda berilgan saboqlarni puxta o'zlashtirgan har bir posbon test sinovlarida qiyinchilikka uchramaydi. Armiyada menga harb ilmini puxta egallashimga yaqindan yordam bergan, bilim va yordamlarini ayamay kelayotgan ofitserlar Dilmurod Isroilov, Umidjon Mahmudov, Ruslan Kenjayev, shartnoma bo'yicha xizmat kichik serjantlari Rahmon Isoqov, Ahmad Elmurodovlardan minnatdorman. Kelajakda men ham ular safida Vatanimga sharaf bilan xizmat qilmoqchiman.

**Oddiy askar Erkin KOMILOV:**

— O'tgan yili Jizzax oliy harbiy aviatsiya bilim yurtiga hujjat topshirib, o'qishga kirolmagan edim. Biroq bundan tushkunlikka tushmasdan Vatan oldidagi yigitlik burchimni o'tashga yo'l oldim. Armiyani bejizga «hayot maktabi» deyishmas ekan. Bu yerda har tomonlama chiniqdim, toblandim. Mashg'ulotlar davomida kelajakda asqotadigan ko'p narsalarni o'rgandim. «Jangovar tayyorgarlik a'lochisi» ko'krak nishonini qo'lga kiritdim. Bugun olgan saboqlarimizni o'ziga xos tarzda imtihon qildik, ya'ni tavsiyanomaga ega bo'lish uchun test sinovlarini topshirdik. Ko'rsatkichlarim yaxshi chiqib, ustozlarim oldida yuzim yorug' bo'lishidan umidvorman. Bu yil yana oliy harbiy bilim yurtiga hujjat topshiraman. Nasib etsa, albatta kursantlik sharafiga muyassar bo'laman.

**Mansur SOBIRQULOV,**
**Aleksey MUHAMMEDOV suratga olgan.**



# ОИЛА ГУЛШАНИ

## МЕҲР ТАФТИ БИЛАН ТЎКИС ЭРУР БАХТ

**Шундай бир туйғу бор. У меҳмон бўлган дилларда фақат меҳру вафо, одамийлик фазилатлари бўй кўрсата бошлайди. Уни тошу тарозига солиб ўлчаб ҳам бўлмайди. Лекин унинг салмоғи улуғвор тоғлардан ҳам залворли. Ҳа, бу севги, муҳаббат деб аталади. У бўй кўрсатган хонадондаги муносабатларда меҳр тафти сезилади. Оилага файзу барокат киради. Шу боис бувию момоларимиз турмуш қураётган икки ёшни «ҳамиша бир-бирингизга меҳр кўрсатинг» дея, дуо қилишади. Меҳр риштаси бирин-кетин фарзандлар дунёга келганда улкан муҳаббатга айланади. Муҳаббатни оиланинг кўрғони дейдилар. Эр-хотин ва фарзандлар эса унинг мустаҳкам устунларидир.**



Юсуфжоннинг қалбида ҳарбий соҳага бўлган ҳавас муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда пайдо бўлди. Бориб-бориб бу ҳавас чинакам мақсадга айланди ва у шартнома бўйича хизматда қолиш истагини билдирди. Ота-онаси ҳам унинг қарорини маъқуллади.

– Йигит киши учун Ватанни ҳимоя қилмоқ муқаддас бурч. Қароringдан жудаям хурсандман, – деди Ташан ака мамнуният билан. Хадича опанинг ҳам қувончини таърифлашга сўз ожиз. Ахир қувонмай бўладими? Ўғли ҳарбий соҳада хизмат қилишни дилига тугибди. У фарзандини ҳарбий либосда тасаввур қилиб, ширин энтикиб қўйди...

– Сен тенги йигитлар аллақачон уйланиб, болали-чақали бўлишди, бу йил тўйингни қиламиз, – деди бир куни Ташан ака Юсуфжон таътил олиб ота-онасини кўриш учун қишлоққа келганида.

– Агар кўнглингга ёққани бўлса айт, – деди Хадича опа ҳам турмуш ўртоғининг гапини қувватлаб. – Совчи бўлиб борайлик. Биз ҳам орзу-ҳавас қилганмиз.

Ота-онасининг гапларидан бироз ўнғайсиз аҳволга тушган Юсуфжон бирон нима демади. Фақаттина, ўзларингиз биласизлар, деди-ю ўрнидан турди. Бу гап ота-она учун айни муддао бўлди. Шундай қилиб улар келин топиш ҳаракатига тушишди. Ўзбекчиликда, ҳар ким хонадонига кириб келадиган келиннинг оқила, пазанда бўлишини, энг асосийси, хонадон соҳибларининг ҳурматини жойига қўйишини исташади. Ва ниҳоят, келин топилди. Қўшни қишлоқлик узоқ қариндошлари Улашбой аканинг қизи Юсуфжонга ҳам маъқул келди. Исми Нилуфархон! Бўлажак келин-кўёвларнинг илк учрашувдаёқ бир-бирларига меҳри тушди. Шундай қилиб, барчанинг ҳаваси келадиган тўй ҳам бўлиб ўтди...

Мақолани бежизга севги, муҳаббат, вафо туйғуларини таърифлашдан бошламадик. Чунки биз ҳикоя қилмоқчи бўлган оилада бу туйғуларнинг қудратини ҳис қиласиз. Оила бошлиғи сержант Юсуфжон Деҳқонов ва уй бекаси Нилуфархон мана етти йилдирки, бир-бирларини меҳр-муҳаббат билан ардоқлаб келишаяпти. Етти йиллик сабр ва муҳаббат меваси бўлган Умиджон эса хонадоннинг чироғи, бахтию ҳаловати.

Нилуфархон пазанда, чевар, хуллас ўзбек аёлига хос кўплаб фазилатлар соҳибаси. У юрт посбонининг йўлдоши бўлганидан, бахтли оила соҳибаси эканлигидан беҳад шод. Юсуфжон ҳам турмуш ўртоғидаги ана шу жиҳатларни қадрлайди. Шахсий ҳаётлари ҳақида сўралганда, бу жуфтлик бир-бирининг фазилатларини санаб чарчамайдилар. Ҳарбий шаҳарча аҳли ҳам бу хонадонга ҳавас билан қарашади.

Ҳарбий оила бекалари билан суҳбатлашганда, сабр ва қаноатнинг ўрни нақадар муҳим эканлигини яққол сезасиз. Чунки улар турмуш ўртоқларининг хизматлари сабаб кўп ҳолларда республикамизнинг турли ҳудудларида, турлича шароитларда яшашга, кўникишга тўғри келади.

– Оилада эр ва хотин бир-бирини тушуниб, бир-бирига кўмакчи бўлиб яшашлари керак деб ўйлайман, – дейди биз билан суҳбатда Нилуфархон. – Ана шундагина файз бўлади. Тўғри, ҳарбийлик касбининг ўзига хос қийинчиликлари бор. Негаки, турмуш ўртоғингизнинг юрт осойишталиги йўлида ўтказаётган беҳаловат кунларида сиз ҳам биргасиз. Шу боисдан ҳам ҳарбийлик масъулиятини, машаққатини яхши англайман. Ўзаро меҳр-муҳаббат ришталари бизни бир-биримизни қўллаб-қувватлашга ундайди.

Ғайрату шижоати билан ҳарбий қисмда обрў қозонган Юсуфжон Деҳқоновни сафдошлари ўз касбининг фидойиси сифатида яхши билишади. Унинг ҳарбий соҳада хизмат қилаётганига ҳадемай ўн йил тўлади. Дастлаб офицерлар – Анвар Жаъфаров, Акмал Ортиқовлардан ҳарбийликнинг қадисини олган сержант Деҳқонов ўз вазифасини ниҳоятда пухта билади. Ёшлигидан катта давраларда кураш тушиб юрган бу посбон ҳарбий қисм миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларда бир неча бор фахрли ўринларни эгаллаган. Гувоҳ бўлганингиздек, қаҳрамонимиз яхшигина спортчи ҳам. Биз Юсуфжон билан суҳбатлашганимизда у оиласи, турмуш ўртоғи ҳақида шундай фикрларни билдирди.

– Нилуфархон билан биргаликда ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб келаяпмиз, – дейди у. – Уни энг яқин кўмакчим, маслаҳатдошим деб биламан. Ҳар доим хизматдан чарчаб келганимда ширин муомала билан кутиб олади. Фарзандим – Умиджоннинг менга талпинишини кўриб, оталик бахтининг сурурини ҳис қиламан. Инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Тақдир менга мана шундай оилани, турмуш ўртоғини туҳфа қилганидан жуда бахтиёрман.

Оила аталмиш буюк қўрғон, оила деган муқаддас Ватан мустаҳкам бўлса, рўзғорга файз киради, қаддингни тик тутасан, сўзингда хуш садо бўлади, юзларда қувонч эпкинлари бўй кўрсатади. Ва энг асосийси, қалбда хотиржамлик ҳукм суради. Шу боисдан ҳам оиласи тинч инсонни энг бахтли инсон деб эътироф этишади.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**
**Аҳрор ОЧИЛОВ суратга олган.**

Қадрият

## «АЛЛА АЙТАЙ, ЖОНИМ БОЛАМ...»

**Алла айтай, жоним болам, қулоқ**
**солгин, алла,**
**Қўшиғимнинг сеҳри элтиб, ухлаб**
**қолгин, алла.**
**Бахтимга сен катта бўлгин,**
**қўзичоғим, алла-ё,**
**Худойимдан тилаб олган**
**қўзмунчоғим, алла.**

Гўдак туғилгач тинглайдиган энг биринчи қўшиқ бу – алла. Ўзбекнинг минг йиллик маънавияти, маърифати, миллий ўзлиги ва халқона ҳикматлари мужассам аллада. Ним суянганча бешик тебратаётган онаизорнинг меҳр билан боласини аллалаётганидан кўра ҳузурлироқ, саодатлироқ лаҳза бўлмаса керак.

«Алла эшитиб улғайган бола ҳеч қачон ёмонликка қўл урмайди. Алла айтган эса шаксиз бахт топади», – дейди кексалар. Афсуски, кейинги пайтда маънавиятимиз, миллий ўзига хослигимизнинг ажралмас бўлаги бўлган аллаларга муносабат, қизиқиш анча сусайган. Кўплаб ёш оналар алла айтиш тугул, лоақал унинг сўзларини ҳам билмайдилар.

Буюк бобокалонимиз Ибн Сино шундай деган: «Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш. Иккинчиси, уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир».

**Алла айтай адига,**
**Бобоси берган кадига,**
**Кади бови узилсин,**
**Куёв (келин) бўлиб сузилсин.**

**Ҳуйя-ҳуйя ҳуйяси,**
**Бобоси берган туяси,**
**Алла айтай алп бўлсин**
**Алпомишдай ул (ўғил) бўлсин.**

Психологларнинг аниқлашларича, алла эшитиб камолга етган инсон билан бунинг акси ўлароқ улғайган шахслар ўртасида каттагина фарқлар кузатилар экан. Чунончи, ички хотиржамликка эгалик, чарчоққа, тушкунликка, руҳий хасталикларга қарши бардошлилик, феъли кенглик, ўз кучига ишониш кабилар бўйича алла таъсирида униб-ўсган кишиларда устунлик кузатилар экан.

Алла шунчаки тарбиявий ёки маънавий-руҳий аҳамиятга доир тушунчаларнигина ўзида ифодаламайди, ёш авлод онгида эл корига яраш, Ватанига, қадриятларига, ўтмиши ва аждодларига ҳурмат ҳамда ибрат назари билан қараш руҳини шакллантиради. Юртбошимиз шундай деган эди: «Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради».

Ўзбек болалар фольклорини илмий жиҳатдан тадқиқ қилган олим филология фанлари доктори, профессор О. Сафаров аллаларнинг мазмун ва композиция жиҳатидан бир неча турларга бўлинишини кўрсатиб ўтган. Жумладан улар орасида пароканда аллалар, воқеабанд аллалар, маиший, тарихий аллалар мавжуд бўлиб, ҳар бири бошқасидан маълум даражада фарқланади. Масалан, пароканда аллаларда матндаги бандларда ўзаро боғлиқлик бўлмайди. Ҳар бир тўртлик ўзича мустақил маънога эга бўлиши билан характерланади.

**Мен сени алла қилай, алла,**
**Кўтариб катта қилай, алла.**

**Алла жоннинг роҳати, алла,**
**Уйқу кўзнинг роҳати, алла.**

**Ўрик ёғоч бешигинг, алла,**
**Ўргилиб кетсин онанг,**
**алла.**
**Тут ёғочдан**
**бешигинг,**
**алла,**
**Термулиб**
**ўтсин онанг,**
**алла.**

Бундай аллалардаги тўртликларнинг, ҳатто байтлар ва мисраларнинг ўрнини бемалол алмаштириб қўлласа бўлади. Бунда асарнинг бадиияти, жилоси, маъно-моҳиятига ҳеч бир заха етмайди. Аммо қуйидаги сингари асарларда наинки мисраларнинг, балки сўзларнинг ҳам ўрнини алмаштириб бўлмайди.

**Алла айтай дардим тўкиб,**
**малҳам бўлгин жон болам,**
**Бу дунёда топган зарим,**
**олтиним-о, алла.**
**Кўкрагимни куйдиради отанг ҳажри,**
**жон болам,**
**Камолингни кўролмади султоним-о,**
**алла.**

Аллаларнинг бундай тури мазмунига кўра воқеабанд ҳисобланади. Унинг қат-қатига айтувчининг қувончу ташвишлари, юрак кемтиклари, ғам-андуҳлари сингиб кетган бўлади.



Умуман, алла – онанинг фарзанди билан ҳис-туйғулар орқали муносабатда бўлиш воситаси. Момоларнинг сийратини, боболарнинг зеҳнини, халқимизнинг буюк ўтмиши ва маънавий тамаддуни билан боғлиқ меҳварларни гўдакнинг қулоғига қуядиган, уни ҳам маънан, ҳам жисман баркамол инсон бўлиб вояга етишига омил бўладиган буюк оҳанг – у. Гўдакларга алла айтинг, токи бағри бутун бўлсин!

**Жамшид НИЁЗОВ.**

Бытовая безопасность

# «ОГОНЕК ТЕПЛА И УЮТА»

**В Республике Узбекистан во всех сферах жизнедеятельности широко используется природный газ. Во многих войсковых частях, организациях или учреждениях используются и эксплуатируются газоотопительные приборы.**
**В своей повседневной жизни мы постоянно сталкиваемся с природным (бытовым) газом, который может не только дарить уют и тепло, но и быть источником опасности.**

Поэтому задача инспекторского состава противопожарных подразделений, при проведении пожарно-профилактической работы на военных объектах, разъяснять военнослужащим и членам их семей правила соблюдения пожарной и технической безопасности при использовании природного газа в своей служебной деятельности и быту.

Необходимо знать, что пожарная опасность газа как топлива, заключается в том, что при его утечке из газотрубопровода или газового прибора может привести к образованию во взаимодействии с воздухом опасной взрывчатой смеси. Достаточно применения по неосторожности огня в помещении, где есть небольшой источник утечки, чтобы произошел взрыв природного (бытового) газа.

Вот почему при обнаружении утечки запаха газа в помещении необходимо:

– не применять открытые источники огня, не включать и не выключать электрическое освещение;

– немедленно перекрыть краны приборов на газовой сети и перед счетчиком;

– проветрить помещение, открыв широко окно, форточку или задвижку на вытяжном зонде;

– вызвать специалиста-газовщика для немедленного устранения неисправности.

Кроме того, категорически запрещается применять открытые источники воспламенения при поиске утечки бытового газа. Места утечки газа обнаруживают нанесением мыльной пены на возможные места утечки. Появление мыльных пузырьков свидетельствует об утечке газа.

Использовать резиновые шланги для подачи газа к газовым приборам, а также переносить самостоятельно без разрешения соответствующих органов газовые печи недопустимо.

Временная ликвидация мест утечки газа с помощью мыла, замазки и других различных материалов не дает полной гарантии устранения утечки. Утечка бытового газа должна быть ликвидирована грамотным специалистом-газовщиком.

Нельзя оставлять зажженные горелки газовых приборов без надзора. Уходя из помещения или квартиры целесообразно перекрывать краны на газовой сети у приборов и перед счетчиком.

При разжигании горелки газовой плиты сначала необходимо поднести к ней открытый огонь (спичку), а затем открыть кран горелки плиты.

**Необходимо помнить! Безопасность каждого члена семьи, а также сохранность государственного и собственного имущества при эксплуатации газоотопительных приборов, достигается путем выполнения вышеуказанных требований и является залогом пожарной безопасности.**

**Майор Тимур АЧИЛОВ,**
**начальник службы ППЗ и СР**
**Ташкентского гарнизона.**



Сўраган экансиз

# БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ

**Бюджетдан молияланадиган ташкилот, муассасаларда бюджет интизоми деган тушунча бор. У бузилган ҳолларда қонунчиликда қандайин чоралар қўлланилади?**

**Д.УСМОНОВА.**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-1-моддасида бу борада шундай ёзилган: «Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,–энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмиш кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»

Ўша қилмиш кўп миқдорда содир этилган бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Ш.ТОЛМАСОВ тайёрлади.**

# ЗАКОН ЕДИН ДЛЯ ВСЕХ

**«На днях я был остановлен для проверки документов инспектором Управления безопасности дорожного движения. За отсутствие страховки гражданской ответственности у меня изъяли водительское удостоверение. Впоследствии я оплатил штраф в размере одной минимальной заработной платы.**

**Прошу разъяснить, насколько были правомочны действия сотрудников УБДД?»**

**Одилжон ОЧИЛОВ,**
**город Ташкент.**

Уважаемый читатель! Скорее всего, вы были остановлены для проверки ваших документов после 22 января сего года, так как в письме вы, к сожалению, не указали точную дату изъятия вашего водительского удостоверения.

В данном случае сотрудник УБДД был правомочен в своих действиях. Дело в том, что Закон «Об обязательном страховании гражданской ответственности владельцев транспортных средств» был принят еще в апреле месяце прошлого года.

Основными принципами обязательного страхования являются: всеобщность, обязательность, гарантия возмещения вреда, причиненного жизни, здоровью и имуществу потерпевших.

С 22 января сего года начали применяться штрафные санкции для тех, кто сел за руль и при этом не застраховал свою ответственность.

Для граждан штраф составляет одну минимальную заработную плату, для должностных лиц организаций и предприятий – трехкратный ее размер.

Необходимо отметить, что страховой полис выдается на один год. Год считается с момента подписания документа. Если это сделано 10 января текущего года, то и полис действителен до 10 января следующего года. Бывает, что автовладелец не целый год использует свое транспортное средство. В этом случае договор со страховой компанией заключается также на год, но в заявлении указывается, что автомобиль используется только шесть или девять месяцев. В соответствии с этим будет уменьшена и страховая премия, которую заплатит автовладелец за полис, но в нем будет отметка о том, когда конкретно он имеет право управлять автомобилем. Форма полиса учитывает и тот факт, что сейчас идет смена номерных знаков автотранспортных средств. Там также будет сделана дополнительная отметка, и не нужно ничего переоформлять.

В настоящее время компании, уполномоченные осуществлять данный вид страхования, создают водителям максимум благоприятных условий для приобретения страховых полисов. Некоторые из них заключили договоры с пунктами «PAYNET», другие – с банками, так что полис можно приобрести практически везде.

Следует отметить, что принятие Закона «Об обязательном страховании гражданской ответственности владельцев транспортных средств» придает новый импульс развитию экономических стимулов страхового рынка и обеспечению гарантированной социальной защиты граждан нашей страны.

**Подготовил капитан Хасан МИРЗАЕВ.**

# 2008 ЙИЛ ҲАҚИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

**Ўзбекистон фуқаролари 2008 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишини, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, шунингдек, республикамизда фаолият кўрсатаётган етакчи сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий институтлар фаолиятини қандай баҳолайди? Ушбу саволларга «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтган йил якунлари бўйича ўтказилган ижтимоий тадқиқот давомида жавоб олинди.**

Сўровда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри вакиллари, шаҳар ва қишлоқ аҳли, эркак ва хотин-қизлар, ёши, миллати ва маълумоти турли хил бўлган кишилар иштирок этди. Бу маълумотлар ишончли ва аниқ бўлишини таъминлади.

Сўров қатнашчиларининг умумий фикрига кўра, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, миллий давлатчилик, эркин жамият асосларини қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда улкан муваффақиятларга эришди ҳамда халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Сўров Ўзбекистон эришган ютуқлар, унинг ички ва ташқи сиёсати жамиятимиз ва аҳолининг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланаётганини ёрқин намоён этди. Масалан, фуқароларимизнинг аксарияти (90,7 фоизи) мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятдан қаноатланишини билдирди ҳамда уни "яхши ва барқарор" деб баҳолади. Шуниси эътиборга лойиқки, бу кўрсаткич сўров ўтказилган йиллар давомида барқарор сақланиб келмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш жамоатчилик фикрини шакллантиришга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Республикамиз аҳолиси буни Ўзбекистоннинг нафақат 2008 йилдаги, балки истиқлол йилларида қўлга киритган энг катта ютуғи, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, жамоатчилик фикри давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг энг яхши кўзгуси ҳисобланади. Фуқароларимизнинг иқтисодиёт соҳаси ривожидан (85,4 фоиз), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлардан (87,1 фоиз), инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш даражасидан (89,1 фоиз), фуқароларнинг шахсий хавфсизлигидан (94,1 фоиз) ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдан (86,6 фоиз) қониқиш ҳосил қилаётганининг юқори кўрсаткичлари ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликка эришиш борасидаги муваффақиятлари фуқароларимизнинг мамлакатни ривожлантириш истиқболларини баҳолашида бевосита ўз аксини топмоқда. Сўралганларнинг аксарияти республикамизнинг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳақида ижобий фикр билдирди.

Сўров давомида олинган маълумотлар Юртбошимиз раҳбарлигида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар замирида аввало одамларимиз фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш мақсадлари мужассамлигига мамлакатимиз аҳолисининг ишончи комил эканини тасдиқлайди. Ҳамюртларимизнинг фикрича, бунга иқтисодиёт ва аҳоли даромадининг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш туфайли эришилмоқда. Жумладан, респондентлар тадбиркорлар ва фермерлар ўз оиласи фаровонлигини яхшилашга интилаётганини қайд этди. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган давлат сиёсати самарадорлигининг ёрқин кўрсаткичларидан биридир.

Мол-мулк тўплаш кўрсаткичи аҳолининг пул даромадлари билан бевосита боғлиқдир. Айнан оилалардаги узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари уларнинг мулкка эгалик даражасини белгилайди. Сўров натижаларига кўра, 2008 йилда аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражаси ошди. Масалан, оилаларнинг 32,2 фоизи бугунги кунда шахсий автомобилга эга, қишлоқ жойларда бу кўрсаткич 40 фоизни ташкил этади.

Одамларнинг Ўзбекистонда яшаш учун қолишга интилишининг кучайиши ҳам намунали кўрсаткич ҳисобланади. Сўровда қатнашган фуқароларнинг аксарияти (89,5 фоизи) яшаш жойини ўзгартириш мақсадида Ўзбекистонни тарк этишни истамайди. Бу эса мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча аҳоли қатламлари учун, қайси ҳудудда яшаши, жинси, ёши, миллий ва диний мансублиги, ижтимоий мақоми, моддий таъминот даражасидан қатъи назар, етарлича ижтимоий-иқтисодий қулайликлар яратилганидан далолат беради.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг нафақат тенг ҳуқуқли, балки обрў-эътиборли аъзоси бўлиши учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан муҳим ташқи сиёсий масалаларни ҳал этишга тўғри келди. Республикамиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (қарийб 90 фоизи) давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг оқилона ташқи сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва маъқуллайди.

Умуман айтганда, сўров давомида юртдошларимизнинг ижтимоий кайфияти ва орзу-умидларида ижобий фикрлар устувор ўрин эгаллагани намоён бўлди. 2008 йилда жамиятимизда ҳукм сурган келажакка бўлган ишонч 2009 йилда ҳам ўз самарасини беришига фуқароларимизнинг ишончи комил.

2008 йил якунлари бўйича ўтказилган ушбу сўров натижалари Ўзбекистон ўз ривожланиш ва янгиланиш моделини амалга ошириши туфайли қисқа давр ичида барча жабҳаларда катта ютуқларга эришганини яққол исботлайди. Бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолиси ўзини эркин ҳис этадиган қулай ижтимоий муҳит вужудга келди.

«Ўзбекистон: жамоатчилик фикри – 2008» тадқиқоти аҳолининг Президент Ислом Каримовга ишончи юксак эканини яна бир карра яққол намоён этди. Давлатимиз раҳбари халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсий ҳамда ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётган том маънодаги етакчидир.

**«Ижтимоий фикр»**
**жамоатчилик фикрини ўрганиш**
**маркази материаллари асосида**
**ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.**

# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

## САБРДА САЙҚАЛЛАНГАН БАХТ

(воқеий ҳикоя)



Насиба опанинг кайфияти бугун ўзгача. Эрта тонгдан ҳовлиларни супуриб-сидириб, жиззалик патир ёпди. Сўрига кўрпачалар тўшаб, топган-тутгани билан хонтахта устини тўлдирди.

– Ҳа, онаси янги келинлардек елиб-югуриб қолибсан? – ҳазиллашган бўлди Олим ака.

– Ўғлингиз бир йил деганда таътилга келди. Оғзига ёқадиган нарсалар билан сийлагим келяпти-да. Бугун Зулайҳо ҳам бирга ўқийдиган дугонаси Наргизани олиб келмоқчи.

– Дугонаси билан бирга келишини сен тайинлагандирсан, ҳойнаҳой. Келинликка мўлжаллаб юрувдинг чоғи, шу қизни, – ўсмоқчилаб сўради оила бошлиғи.

– Музаффар ҳам ўқишини битирди. Хизматлари жойида. Унинг тенгқурлари аллақачон болали бўлишган. Бағримиздан узоқларда яшаётганлиги учун хавотирланаверaман. Уйлаб қўйсак яхши-да. Ош-овқати, кийим-кечагига қарайдиган меҳрибони ёнида бўлади. Биз ҳам хотиржам бўламиз.

– Ўғлинг ҳарбий учувчи. Феъл-атвори ҳам шунга мос. Нечта қизларни айтиб кўрдинг, маъқул келмади. Яхшиси, келин танлашни ўзига қўйиб бер.

– Кўнглим сезяпти дадаси, мана кўрасиз, шу қиз ўғлингизга ёқади, – Музаффар ётган хона томонга қараб, овозини пасайтириб гапирди Насиба опа ва уни уйғотиш учун бир-икки қадам юрди-ю, фикридан қайтди. «Майли, тўйиб ухлаб олсин, дам олгани келган ахир. Хизматда ҳар куни саҳарлаб турса керак», хаёлидан ўтказди у.

Аллақачон уйғониб, ота-онасининг суҳбатини тинглаб ётган Музаффар эса миййиғида кулиб қўйди.

Тушдан сўнг шаҳардан дугонаси билан қайтган Зулайҳо акасини кўриб, кўзлари чақнаб кетди. Унинг олдида бир оз бошини эгиб, саломлашишга уялиб турган Наргиза чиндан-да гўзал эди. Музаффарнинг унга кўзи тушди-ю, кўксида ўзгача туйғуни ҳис қилди. Қиз билан яқиндан танишуви эса бу туйғунинг ишқ оташи эканлигини англатди. Ўқиш, хизмат сабаб, оила қуриш ҳақида жиддий мулоҳаза юритмаган йигит ҳаётнинг бу сирли қонунига ўз-ўзидан бўйсунди. Йигит билан қиз ўртасидаги сеҳрли ришта мустаҳкамланиб, оила қуриш икки ёшнинг ҳаёт мазмунига айлангунга қадар сабр қилишди, синашта бўлишди. Бу орада Наргиза ҳамширалик дипломини олди. Музаффар эса тўйдан сўнг оиласи билан яшаши учун хизмат жойида шароит ҳозирлади.

Тўй тараддудига тушиб кетган Олим ака ва Насиба опалар фарзандларининг бахтидан мамнун эдилар. Тўйдан сўнг ўғиллари масъулиятли хизмати томон шошилди. Расм-русумлар ўтгунга қадар келинчак қишлоқда қолди.

– Наргиза қизим, зарур кийим-кечак, нарсаларингизни йиғиштиринг, – келинига меҳр билан тайинлади Насиба опа. – Эртага дадангиз бизни кузатиб юборишади. Сизни ўғлимнинг ёнига қўйиб қайтаман. Мана, бир ой бағримизда бўлдингиз, энди бирга яшанглар.

– Хўп бўлади аяжон, – қувончини яшира олмаганидан қизариб кеттан Наргиза хонаси томон шошилди.

Келинчак ота-она ва яқинларидан узоқда бўлса-да, турмуш ўртоғининг чексиз меҳри ва муҳаббати сабаб, янги жойга тез кўникди. Соҳаси бўйича шифохонада иш бошлади.

Кунлар, ойлар ўтиб уларнинг оила қуришганига ҳам бир йилдан ошди. Водийга қайнона-қайнотасининг олдига таътил ойини ўтказиш учун келган Наргиза ҳовли юмушлари билан банд. Набира кўриш илинжида келинидан хушхабар эшитишни интиқ бўлиб кутиб юрган Насиба опа уни ёнига чақирди.

– Қизим, ҳар ишни ўз вақтида бўлгани яхши, – босиқлик билан сўз бошлади у. – Қишлоқда сизлар билан орқама-кетин тўйи бўлганларнинг барчаси болали бўлишди. Сизлар ҳам ҳаракат қилсаларинг бўларди.

Қайнонасининг сўзларидан келинчак бир оз ўзини йўқотиб қўйди. Айниқса, қишлоққа келганидан буён ўзи қатори тўйи бўлган келинларнинг бағридаги чақалоқларни кўриб, бу ҳақда жиддийроқ ўйлаши лозимлигини англаб етганди.

– Биз ҳам ҳаракат қилаяпмиз аяжон, – деди-ю бошқа сўз айтолмади.

Келини ҳамшира бўлганлиги учун ўзини кўрсатишга, даволанишига имкони борлиги сабаб, уни шифокорларга кўрсатишдан ўзини тийди. Бу муаммони вақтинча ёшларнинг ўзига қўйиб берди.

Рафиқасини қишлоқдан бир оз тушкун кайфиятда қайтганлигини Музаффар дарҳол сезди. Бироқ бунинг сабабини унинг ўзидан эшитишни истади ва у «дилини ёргунга» қадар кутди.

– Музаффар ака, нима учун мен она бўлмаяпман? – ва ниҳоят кўнглини очди Наргиза. – Сиз ёнимда, иш билан бўлиб бу ҳақда жиддий ўйламаган эканман. Биздан кўра ота-оналаримиз кўпроқ қайғуришаётганлигини сездим. Қишлоқда кимга рўбарў бўлмай шу саволни берди.

Наргизанинг онаси Оқибатхон опа ҳам бу борада уни обдон савол-жавобга тутган, фарзанд кўришга тезроқ ҳаракат қилишларини тайинлаган эди.

– Наргизам, биз албатта фарзандлик бўламиз, бундан кўнглим тўқ. Худди тўйимизга ўн-ўн беш йил бўлгандек гапирасан-а. Хизмат таътилига чиқишим чўзилиб кетмаганида албатта сен билан бирга бориб, бундай гапларга чек қўйиб келган бўлардим – аёлнинг елкаларидан қучиб кўнглини кўтарди у. Аммо юрагининг бир четида тугун пайдо бўлганди.

Йиллар – оқар дарё. Ҳафталар ойларга, ойлар йилларга уланиб икки ёшнинг оила қурганига тўрт йил бўлди. Бу орада неча маротаба шифокорлар кўригидан ўтишди, даволанишди. Уларнинг таъкидлашларича, фарзанд кўришлари учун жиддий муаммо йўқ эди. Оналар ҳам қараб туришмади. Қўлларидан келганича расм-русм, момоларимиз қўллаган халқона табобат усулларини қилишди. Гоҳида Наргизанинг кўнгли айниб, нималардир егиси келар, турмуш ўртоғидан суюнчи олишга шошиларди, Музаффар унинг айтганини муҳайё қиларди. Лекин яна ҳеч нарса ўзгармай қолаётганидан иккаласи ҳам ҳайрон бўлиб қолишарди.

Бу онлар икки ёшнинг муҳаббат ва садоқатини синовдан ўтказарди, гўё.

Шундай кунлардан бирида шифокор қабулига кириш учун навбат кутиб ўтирган Наргиза ёнгинасидаги аёлнинг пиқиллаб йиғлаётганидан сергакланди. Ўз хаёллари билан бўлиб, унинг қачон келиб ўтирганини сезмаганди ҳам. Одам тафтини одам олади, дейишади. Унинг кўнглини кўтариб, бир оз суҳбатлашгач, дардини тушунди.

– Иккита ўғилчамиз бор, қийналиб яшаймиз. Шунинг учун эрим учинчи болани хоҳламаяпти, – аста кўнглини очди у. – Бўйимда бўлган норасидани олдириб ташлашимни буюрди. Ўзи она бўлиб кўрмагандан кейин менинг дардимни ҳис қилармиди. Туғиб шифохонага ташлаб келаман, фақат яшаса бўлди, десам ҳам унамади. Шунинг учун болани олдиргани келдим.

Шу онда Наргизанинг хаёли чақин ургандек ёришди-ю, аёлга юзланди.

– Жон опажон, шу болангизни туғиб бизга беринг. Тўйимизга тўрт йилдан ошди, фарзанд кўрмаяпмиз. Оилангизга ёрдам бериб турамиз. Сизни ҳам бола туғилгунча парвариш қиламиз. Мен бугуноқ турмуш ўртоғим билан маслаҳат қиламан. Хўжайинингизни албатта бунга кўндирамиз. Фақат манзилингизни ёзиб олай.

Аёл ўйланиб қолди ва бу маслаҳатни бугундан қолдирмасликларини тайинлаб шифохонани тарк этди.

Наргиза врач қабулини ҳам унутиб уйига, Музаффарга қўнғироқ қилишга шошилди. Чунки у ҳам аёлнинг сиқилиб, сўлиб бораётганлигини кўриб, бола асраб олишини маслаҳат берган эди.

Вазият улар кутгандек бўлди. Оиласига бола туғилгунга қадар моддий ёрдам беришларини эшитган оила бошлиғи бунга розилик билдирди.

Фақат Наргизани бир муаммо қийнарди. Яъни бу болани асраб олдим деб эмас, балки яқинлари-ю, қишлоқдошлари олдига ўзи туққандек кўтариб боришни истарди. Чунки қишлоқдаги тўйлардан гоҳида йиғлаб чиқиб кеттан пайтлари, кимларнингдир сўз орасида туғмаслигини қистириб ўтган таъналари ҳар дамда юрагини зирқиратиб турарди.

Бу муаммони ҳал қилиш учун Музаффар «келинингиз бошқоронғи бўлди. Келиб бирор ҳафта қарашиб кетинг», деган баҳона билан онасини чақирди. Адолатхон опа эшитган заҳоти бу қувончли хабар бир зумда яқин-йироққа тарқалди. Водийдан воҳага келинининг оғзига ёқадиган нарсалар билан келган онаизор ўзини қувончдан қаерга қўйишни билмасди. Бу ердаги вазиятни тушуниб етгач эса, фарзандларига бундай кунда таянч бўлиши лозимлигини оналарча меҳр билан англаб етди. «Шу норасиданинг орқасидан зора Оллоҳим ўзларига ҳам фарзанд берса», кўз-ёшларини тия олмай дуо қилди она.

Улар аёлнинг хонадонидан тез-тез хабар олиб туришди. Унинг соғлигига эътибор қаратиб, боланинг туғилишини интиқлик билан кутишарди. Бу орада Наргиза қорнини худди иккиқатларникидек кўрсатиб қишлоққа бориб қайтди.

Аммо уларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Ҳаёт икки ёшга яна бир аччиқ синовни рўбарў қилиб турарди. Ой-куни етиб шириngина қизалоқ кўрган аёл сўнгги паллада боласини беришдан бош тортди. Бола дунёга келгунга қадар минг бир ҳаяжонда аёл теппасида турган Наргиза унинг қароридан ҳушини йўқотаёзди.

– Илтижо қиламан, боламга тегманглар, – ёлворарди аёл. – Бир умр қиз фарзанд кўришни орзу қилганман. Сарфлаган пулларингни кечаю кундуз ишлаб бўлсада тўлайман. Фақат қизимдан айирманглар.

Унинг ноласидан Наргизанинг юраги увишди. Аёл сифатида уни тушунди. Бир оғиз «болангиз ўзингизга насиб қилсин опа», деди-ю, фарёдини ичига ютиб, туғруқхонадан чиқиб кетди. Воқеанинг тагига етган Музаффар неча ойлардан буён ширин орзулар оғушида юрган рафиқасини қандай юпатиш ҳақида ўйларди.

Наргиза ўзига келгунга қадар бош кўтармади. Унга умр йўлдошининг меҳри, жонбахш сўзлари таянч бўлди яна:

– Азизам, сен қандай улкан савоб иш қилганингни биласанми? Бундай эзгулик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Сен бир инсоннинг ҳаётини сақлаб қолдинг. Мушфиқ онанинг бағрини бутун қилдинг. Шу ишни қилмаганингда балки у бир умр армон билан ўтарди. Энди мана шу эзгулигингни охирига етказиб қўйишинг лозим.

Наргиза сочларини силаб меҳр билан гапираётган турмуш ўртоғининг юзига «яна нима қилишим керак» деган маънода қаради.

– Ҳозир иккимиз онаси билан чақалоқни кўргани борамиз, – сўзини давом эттирди Музаффар рафиқасининг саволамуз нигоҳига жавобан. – Аёл ҳам бизни ноумид қилганидан сиқилиб турган бўлса керак. Унинг кўнглини кўтариб, сарфлаган харажатларимизга рози эканлигимизни билдириб қайтамиз. Келишдикми?

Наргиза ёстиқдан бошини кўтариб «сиз ҳақсиз», деган маънода бағрикенг умр йўлдошининг кўксига аста бошини қўйди.

Улар шундай қилишди. Аёлнинг кўнглини тинчлантириб, фақат дуо қилса бўлди, барчасига рози эканликларини айтишди.

Мана, бир-икки ҳафта ўтди ҳамки Наргиза ўзини нохуш сезар, гоҳ кўнгли айниб, гоҳ нималардир егиси келарди. Бироқ бу ҳолатини Музаффарга билдиргиси келмади. Қолаверса, авваллари ҳам шундай бўлганида икки-уч бор «эркалик» қилиб ўзи уялиб қолганди. Бироқ илгари тез ўтиб кетган бу ҳол уни тарк этгиси келмасди. Наргиза яна бир оз сабр қилгач, аёллар шифокорига кўринишни лозим топди. Олдин ҳам бир неча марта кўрикдан ўтказган таниш шифокор уни махсус аппарат орқали текширишга шошилди.

Натижа кутилгандан-да зиёда бўлиб, она вужудида иккита ҳомила – эгизаклар ривожланмоқда эди. Шифокор Наргизанинг ҳаяжонланишини ҳисобга олиб, унга бу хушхабарни босиқлик ила тушунтирди.

Беш йилдан буён шу кун келишини кутиб юрган Наргиза ерда эмас кўкда учиб юргандек эди гўё. У биринчи галда бу хушхабарни қалбининг соҳибига телефон орқали етказишга шошилди.

– Музаффар ака, алло эшитяпсизми, сизга янгилигим бор, – ҳаяжондан худди ҳаво етишмаётгандек энтикарди у. – Биз ҳам ота-она бўламиз энди. Биласизми, яна етти ойдан кейин нечта фарзандга ота бўласиз?

Лекин Музаффар буни жиддий қабул қилмади. Ҳар галгидек аёлининг «ширин орзуларидан» бири сифатида тушунди. Аммо унинг кўнгли учун:

– Хўш, мен эгизак болаларнинг отаси бўлаяпманми? – қувноқ оҳангда жавоб қайтарди у ҳам.

– Эгизак ҳам гапми, мен сизга уч фарзанд туғиб бераман, – ҳазиллашди Наргиза .

Қарангки, бу ҳазил хушхабар учун водийга сим қоққанда – онаси Оқибатхон опа билан суҳбат чоғида ҳам такрорланди. Рафиқасининг чиндан-да ҳомиладор бўлиб, эгизак фарзанд кутаётганлигини билган Музаффар ҳеч кимга сездирмаган қувонч ёшлари билан қайта-қайта шукроналар келтирди…

Интиқлик ила кутилган кун ҳам етиб келди. Болалар туғилишидан аввал шу ерда ҳозир бўлган иккала қуда туғруқхонага бўлажак онани кузатиш учун расм-русумларни адо этишди. Ҳамманинг юраги ҳаяжонда. Музаффар нозик вужудида икки болани асраб, дунёга келтираётган рафиқасидан хавотирда. Вақт ўтган сари юрагини эгаллаб олган титроқдан ўзини қўярга жой тополмасди. Ва ниҳоят биринчи боланинг туғилганлиги ҳақида хабар чиқди. Суюнишга ҳали эрталигини ҳамма сезиб турарди. Кўп фурсат ўтмай шифокор иккинчи боланинг эсон-омон дунёга келганлигини билдириб, она вужудида яна битта – учинчи бола ҳам борлигини айтганда, туғруқхона остонасидагилар бир зум қотиб қолишди. Оналар кўз ёшларини тия олмасди. Наргизанинг ҳазил тариқасида айтган хушхабари чин бўлиб чиқишини ҳатто ўзи ҳам кутмаганди. Икки ўғил Ҳасан ва Ҳусандан сўнг, шифокорлар ҳам аниқлай олмаган Заҳро дунёга келди. Туғруқ азобида қийналган она ҳаёти эса хавф остида эди. Шифокорлар оёққа туришди. Музаффар ўзини қўлга олишга ҳаракат қилар, унинг кўзига хотинининг ҳаётидан бошқа нарса кўринмасди…

Эшик қўнғироғидан биринчи бўлиб Заҳро сергакланди ва атак-чечак қадамлари билан «дада, дада» дея ўша томонга талпинди. Юришга ҳаракат қилиб турган Ҳасан-Ҳусанлар ҳам дадаларининг келганлигини сезиб учишга шай турган полапонлардек қўлларини силкитиб қийқиришарди. Ошхонадан шошилиб чиққан Наргиза турмуш ўртоғини кутиб олар экан, остонада турган қизалоғи дадасига қўл чўзди. Музаффар қизчасини қўлига олар-олмас ўғиллари ҳам эмаклаб етиб келишди ва бир зумда оталарининг қучоғини тўлдиришди. У рафиқасини ҳам унутмади. Уни жилмайиб кузатиб турган жуфти ҳалолининг пешонасидан меҳр билан ўпиб қўйди.

**Зулфия ЮНУСОВА.**

# ЎЗБЕКИСТОН – ХАЛҚАРО АСТРОНОМИЯ ЙИЛИНИНГ ФАОЛ ҚАТНАШЧИСИ

**Янги – 2009 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан «Халқаро астрономия йили», деб эълон қилинган. Жорий йилда машҳур итальян олими Галилео Галилей томонидан телескоп ихтиро қилинганига 400 йил тўлади. Ушбу ихтиро илмий инқилобга олиб келган ажойиб астрономик кашфиётларга асос бўлди ва улар инсонлар дунёқарашига чуқур таъсир кўрсатди. Ана шу муҳим сана муносабати билан италиялик астрономлар ва Халқаро астрономия иттифоқи Халқаро астрономия йилини ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Мазкур ташаббус БМТ томонидан маъқулланди ва тегишли қарор қабул қилинди.**

Халқаро астрономия йили 1 январдан бошланган бўлса-да, омма эътиборини астрономия муаммоларига жалб этишни кўзловчи унинг расмий очилиш маросими 15 ва 16 январь кунлари Парижда бўлиб ўтди. Ушбу маросимда мазкур соҳанинг етакчи олимлари, Нобель мукофоти лауреатлари ўз маърузалари билан иштирок этдилар, энг чекка расадхона (обсерватория)ларда фаолият олиб бораётган олимлар билан видео-учрашувлар ташкил этилди.

– Мамлакатимиз ҳам Халқаро астрономия йили тадбирларини ўтказишда фаол иштирок этади, – деб хабар беради Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институтининг илмий котиби И. Ибрагимов. – Ўзбек астрономлари нафақат ўз тадқиқотларини қизғин давом эттириш, балки жамоатчиликни астрономия соҳасидаги илмий ютуқлардан хабардор қилиб бориш даражасини ошириш, мазкур соҳадаги янги билимлар ва изланишлар натижаларини ўрганишга кенг йўл очишни таъминлаш, астрономик таълимни қўллаб-қувватлашни режалаштирганлар.

Ўзбекистоннинг таниқли илмий муассасаларидан бири бўлган Астрономия институтида Халқаро астрономия йили доирасида XIX асрга оид астрономик асбоб-ускуналар музейини ташкил этиш кўзда тутилган. Музейга ташриф буюрувчилар ноёб асбоб ва жиҳозлар билан танишишлари, улар ёрдамида қандай кузатувлар олиб борилгани ва қандай кашфиётлар қилинганидан огоҳ бўлишлари мумкин.

Паркентда, «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳудудида М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг астрономик ўқув расадхонасини очиш режалаштирилган. Ушбу расадхона Астрономия институти ва Миллий университет томонидан ҳамкорликда яратилмоқда ва 50 сантиметрли профессионал телескоп билан жиҳозланади. Ушбу асбоб ҳозирда ўрнатишга тайёр қилиб қўйилган.

Паркентдаги астрономик ўқув расадхонаси телескопидан нафақат талабаларни ўқитиш учун, балки илмий вазифаларни ҳал этиш учун ҳам фойдаланиш кўзда тутилган. Жумладан, ғарбий Тяншань тармоғи ҳудудида атмосфера тиниқлиги мониторингини олиб бориш ва тегишли маълумотлар базасини яратиш мўлжалланган. Шунингдек, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда атмосфера тиниқлигининг суткалик ва мавсумий ўзгаришлари меъёрларига баҳо бериб бориш режалаштирилган.

Ўқув вазифалари билан биргаликда илмий изланишларни давом эттириш масалалари ўтган йили фойдаланишга топширилган яна бир астрономик ўқув расадхонаси – Бобур номидаги Андижон Давлат университети қошида ташкил этилган ва бош кўзгуси диаметри 30 см бўлган телескоп ўрнатилган расадхонада ҳам ҳал этиб борилади.

Ўқув-илмий расадхона буюк аждодимиз, астроном олим Мирзо Улуғбекнинг ватанида – Самарқанд Давлат университети қошида ҳам фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимиздаги ўнта олий ўқув юртларида мазкур соҳа учун мутахассислар тайёрланмоқда. Жорий йилда улар астрономик билимлар тарқатишнинг муҳим марказларига ҳам айланади.

– Институтимиз олимлари астрономия соҳасидаги тадқиқотларнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажагини ёритиш – энг муҳим масалалардан бири деб ҳисоблайдилар, – дейди И. Ибрагимов. – Халқаро астрономия йили доирасида биз мазкур фан ютуқларига бағишланган кўчма кўргазмалар, шу мавзудаги болалар расмлари танлови, астрономия бўйича олимпиадалар, конференциялар ва оммавий кузатувлар ўтказишни режалаштирганмиз. Ўзбек ва рус тилларида нашр қилинаётган «Фан ва турмуш» илмий-оммабоп журналининг жорий йилдаги сонларидан бири тўлалигича астрономияга бағишланади.

Астрономиянинг инсоният цивилизацияси учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигига баҳо бериш жуда мушкул. Ҳозирда ушбу қадимий билимлар соҳаси жадал ривожланиш даврини бошдан кечирмоқда. Астрономия чинакам эволюцион фанга айланди. Ҳозирги замонавий босқичда астрономиянинг муваффақиятли ривожланиши нафақат тадқиқотларнинг мутлақо янги даражасини таъминловчи, балки уларнинг натижаларини инсон фаолиятининг турли жабҳаларида амалий қўллаш имконини яратувчи космик ва ахборот технологиялари билан чамбарчас боғлиқ.

Космик объектларда юз бераётган жараёнларни тадқиқ қилиб бориш астрономларга материяни ердаги лаборатория шароитларида эришиб бўлмайдиган ҳолатларда ўрганиш имконини бермоқда. Шу сабабдан астрономия, жумладан астрофизика, физика, кимё, математика фанлари билан узвий боғланган ва маълум даражада мазкур фанларнинг ривожланишини ва умуман, илмий-технологик тараққиётни белгилаб беради. Бу билан ҳозирда астрономияга киритилаётган инвестицияларнинг юқори даражасини ҳам изоҳлаш мумкин. Жаҳон ҳамжамияти инсоннинг маданий қадриятлари тизимида астрономик билимларга ғоят муҳим ўрин ажратаётгани ажабланарли ҳол эмас. Мазкур соҳанинг аҳамиятига Ўзбекистонда ҳам катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда астрономик тадқиқотлар чуқур тарихий илдизларга эга ва аввало, XV асрда Самарқандда оламга машҳур расадхонани қурган ва мингдан ортиқ юлдузларнинг осмону фалакдаги ҳолати ҳақидаги маълумотлар келтирилган ўзининг машҳур жадвалини яратган буюк олим Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ. Унинг бу ноёб иши ўзининг аниқлиги билан ҳозиргача олимларни лол қолдириб келмоқда. Бошқа бир буюк юртдошимиз, Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги асосчиси Заҳириддин Бобур XVI аср бошида Улуғбекнинг астрономик жадвалларидан эндиликда бутун дунёда фойдаланишмоқда, бошқа жадваллар эса кам ишлатилмоқда, деб ёзгани ҳам тасодиф эмас.

Буюк ўзбек олимининг фанга қўшган ҳиссаси аҳамияти ва унинг буюк астрономлар қаторидан эгаллаган ўрни ҳеч қачон, ҳатто ўрта асрларда ҳам баҳс-мунозарага сабаб бўлмаган. Қадимий Европа гравюраси (ўйма нақш)да Мирзо Улуғбекнинг осмон маъбудаси Ураниянинг ўнг томонида, буюк астрономлар – Коперник, Тихо Браге ва Птолемей билан бир қаторда тасвирлангани ҳам тасодиф эмас.

Ўзбек астрономларининг ҳозирги авлоди ўзини Улуғбек, Беруний, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний ва бошқа буюк ватандош олимларимиз ишининг давомчиси деб ҳисоблайди ва фанга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш учун тинмай изланмоқда.

Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия институтида тадқиқотлар кенг йўналишлар бўйича олиб борилмоқда. Ер ва бошқа сайёралар, Қуёш тизимининг кичик жисмлари, юлдузлар пайдо бўлиши, Галактикамиз ва ундан ташқарида юлдузлар тўпланиши динамикаси – бошқа Галактикалар тўпланиши ўрганиб борилмоқда. Шунингдек, фаол Галактикаларнинг ядролари, квазарлар (коинотнинг узоқ жойидаги кучли радионурланиш манбаи) ва нурланишнинг рентген манбалари, гравитацион линзалар узлуксиз кузатилмоқда. Тадқиқотларнинг энг муҳим йўналиши бизга яқин жойлашган юлдуз – Қуёшга қаратилган.

Майданак баландтоғ расадхонаси ўз жойлашуви ва ноёб атмосфера шароитларига кўра дунёдаги энг муҳим астрономик марказлардан бирига айланган.

Жиззах вилоятидаги Суффа платоси (ясси тоғ)да Халқаро радиоастрономик расадхона қурилиши ҳам амалга оширилмоқда. Радиорасадхона поёнсиз коинотни электромагнит тўлқинларнинг сантиметр ва миллиметрли диапазонларида тадқиқ қилиш, ўта узоқ масофадаги космик алоқа ва навигацияни таъминлаш, геофизика ва геодинамика вазифаларини ҳал қилиш учун мўлжалланган.

Ўзбек астрономлари ўз илмий изланишларини Россия, Франция, Германия, Буюк Британия, АҚШ ва дунёнинг кўплаб бошқа давлатларидаги ҳамкасблари билан ўзаро ҳамкорликда олиб бормоқдалар. Шу маънода астрономия – бу фан халқаро ҳамкорлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш ҳамда мустаҳкамлашга ёрдам беришининг ёрқин намунасидир.

**М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.**



## НАШЛИ БЛИЗНЕЦА ЗЕМЛИ

Открытая планета MOA-2007-BLG-192Lb оказалась гораздо меньше, чем предполагалось изначально. Повторные наблюдения и расчеты показали, что она во многом похожа на нашу Землю и может привлечь внимание искателей инопланетных форм жизни.

Практически все обнаруженные за пределами Солнечной системы планеты (иначе называемые «экзопланеты») являются газовыми гигантами. Их вес и размеры превосходят габариты Земли в сотни раз, поэтому найти их можно по тому воздействию, которые они оказывают на свою звезду.

Лишь в прошлом году астрономы смогли обнаружить планету, размеры и вес которой сравнимы с земными. MOA-2007-BLG-192Lb входит в состав системы мертвой звезды – пульсара, и может считаться самой легкой из всех известных планет Галактики.

Тем не менее, первоначальные измерения оказались неточны. Проводимые расчеты опираются на такие данные как удаленность от Земли, вес всей звездной системы и расстояние между планетой и звездой. Исходя из того, что светилом экзопланеты является пульсар, ученые определили ее вес, как 3,3 веса Земли. Нынешние наблюдения показали, что звезда является красным карликом с гораздо большим весом, и перерасчет дал новые данные – экзопланета тяжелее земли всего в 1,4 раза.

Размеры MOA-2007-BLG-192Lb чуть больше земных, а удаленность от центрального светила составляет 0,62 астрономические единицы, что аналогично расстоянию от Солнца до Венеры. Вся планетарная система находится в 3000 световых годах от нас.

Экзопланета была обнаружена с применением новой технологии астронаблюдений – микролинзинга, которая позволяет изучать одни звезды на фоне излучения других. Суть технологии заключается в том, что световое, электромагнитное и гравитационное излучение звезд обладает определенной периодичностью.

Имея параметры излучения двух звезд, всегда можно просчитать как гравитационное поле одной, которая находится ближе к земле, влияет на сигнал второй. В том случае, если расчетные параметры существенно отличаются от наблюдаемых, а период излучения дальней звезды изменяется, можно предположить, что ближняя звезда имеет планетарную систему.

«Полученный результат очень важен, поскольку найдена самая маленькая из известных нам на данный момент планет, – сказал профессор Скотт Гауди из Университета Огайо. – Поскольку обнаруженная планета по многим параметрам соизмерима с Землей, мы можем говорить о серьезном прорыве в астрономии экзопланет».

Ученые планируют в апреле-мае этого года продолжить изучение MOA-2007-BLG-192Lb и ее звезды при помощи Сверхбольшого телескопа (VLT) в Чили. В частности, будет предпринята попытка исследовать экзопланету на наличие атмосферы. Хотя ее материнская звезда лишь красный карлик, а расстояние между планетой и светилом достаточно велико, есть шанс, что наличие водорода в атмосфере и достаточно высокая температура поверхности могли привести к возникновению жизни.

## УДАР АСТЕРОИДА РАЗВЕРНУЛ ЛУНУ

В отдаленном прошлом Луна была повернута к Земле обратной стороной, сообщает «New Scientist». Данные результаты, опубликованные в журнале «Icarus», были получены учеными из Парижского института физики Земли.

Известно, что Луна постоянно обращена к Земле одной стороной, так как период ее вращения вокруг собственной оси совпадает с периодом обращения вокруг Земли. Компьютерные модели показывают, что в результате этого количество кратеров в восточном полушарии (считается, что плоскость нулевого меридиана Луны проходит через центр Земли и полюса спутника Луны) должно быть на 30 процентов больше, чем в западном. Похожим образом во время дождя количество капель, попадающих на лобовое стекло машины, больше, чем количество попадающих на заднее.

**(По материалам Интернета).**

# ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

## «АЖОЙИБ» САЛАТИ

Керакли масалликлар: 500 гр. қайнатилган товуқ гўшти, 100 гр. қайнатилган тил, 100 гр. консерваланган шампиньон қўзиқорини, 1 боғ петрушка кўкати, 0,5 ст. майонез, 1 ош қ. кетчуп, таъбга кўра туз.



Товуқ гўшти ва тил тўртбурчак шаклида тўғралади. Қўзиқоринлар парраклаб кесилади. Кўкатлардан безатиш учун керагини қолдириб, қолган қисми майдалаб тўғралади. Тайёрланган маҳсулотларни ликобчаларга алоҳида-алоҳида солиб, туз сепилади ва кетчуп, майонез ҳамда кўкатлар билан безатилади.

## ОМЛЕТ С КУРИЦЕЙ И ГРИБАМИ



**Для омлета** понадобится 4 яйца, 1 ст. ложка муки, 1 стакан молока, 0,5 ч. л. сахара, 1 ч. л. соли без верха.

**Для начинки:** 300 г куриного филе, 200 г грибов, 1 луковица, 150 г твердого сыра, 100 г майонеза, соль по вкусу, зелень, помидор или болгарский перец для украшения.

**ПРИГОТОВЛЕНИЕ:**

Яйца смешать с мукой, солью, сахаром. Все взбить, добавить молоко и еще раз взбить. Яичную смесь разделить на четыре части и поджарить на растительном масле до слегка золотистого цвета. Грибы и лук порезать, слегка обжарить. Сыр натереть. Куриное филе мелко порезать и смешать с остывшими грибами. Добавить половину натертого сыра (75 г).

На каждый кусочек омлета положить начинку и свернуть рулетики. Выложить их на противень, помазать майонезом, посыпать оставшимся тертым сыром (75 г) и запекать в духовом шкафу при температуре 180–200°С 30 минут до золотистого цвета.

Украсить зеленью, помидором или болгарским перцем.

Чтобы рулетики не развалились, нужно скрепить их деревянными шпажками или зубочистками.

## ЛОВИЯ – ГЎШТ ЭМАС, АММО...

Ловиянинг ватани – Хитой. У ерда неча минг йиллардан буён мазкур ўсимликдан тайёрланадиган 500 га яқин таомларни севиб истеъмол қилишади. Европаликлар бу табиат инъомидан фақаттина XVI асрга келиб хабар топишган, аммо уни узоқ вақтгача жиддий қабул қилишмаган. Ловия XIX асрда Россияга кириб келди, бироқ руслар ундан чорва учун озуқабоп емиш сифатидагина фойдаланганлар. Фақат XX аср боши келиб ундан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланиш йўлга қўйилган.

Ловия кўплаб фойдали қўшимчаларга эга. Энг қимматлиси – оқсиллар. Ловиянинг 35 фоизи оқсиллардан иборат. Бу ҳатто, мол гўшти (20 фоиз) ёки осётр увилдириғи (28 фоиз)да мавжуд оқсил миқдоридан анча кўпдир. Шу боис бекалар ошхонада гўшт ва балиқ ўрнини бемалол ловия билан алмаштирсалар бўлаверади.

Бундан ташқари, ловия таркибида енгил ҳазм бўладиган ёғлар ва овқатнинг яхши сингишида зарур бўлган модда ҳам мавжуд. Ловияда дармондорилар ҳам ниҳоятда сероб: А, В, Р, Д ва Е гуруҳига мансуб витаминлар, шунингдек, микроэлементлардан – калий, кальций, фосфор, магний ва темир моддаларини санаб ўтиш мумкин.

Ловиянинг изофлавонлари – аъло даражадаги антиоксидантлар (улар кўплаб касалликларнинг ривожланишига жиддий тўсиқ бўла олади, шу жумладан, кардиологик ва онкологик хасталикларга ҳам) ҳисобланади.

Ловияни истеъмол этиш борасида ҳеч қандай қарши кўрсатмалар мавжуд эмас. Уни етти ёшдан етмиш ёшгача барча севиб истеъмол қилиши мумкин.

**КИМЛАР УЧУН ЖУДА ФОЙДАЛИ?**

- Атеросклероз (паришонхотирлик)дан азият чекадиган, одамларга (ловия таркибидаги ёғли кислоталар қондаги холестерин миқдорини камайтиришга ёрдам беради).
- Аллергиядан азоб чекиб юрувчи беморларга (ловия гипоаллергендир, шу боис уни даволовчи парҳез таркибига киритишган ва ундан сутни кўтара олмайдиган эмизикли болалар учун аралашмалар тайёрлашади).
- Кимда онкологик касалликларга мойиллик бўлса ловиядан кўпроқ истеъмол қилсин. Чунки унинг таркибида бу хасталик сабабларини бартараф қилувчи антиканцероген моддалар мавжуд.
- Семизликка мойил кишилар учун ҳам ловия кони фойда. Чунки унинг таркибида холестерин умуман йўқ.
- Кексалардаги бўғин касалликларини олдини олишда ҳам ловия жуда қўл келади.
- Болаларга калцийнинг яхши сингишига ёрдам беради.

**Аъзам СОБИРҚУЛОВ тайёрлади.**



Bolajonlar, sizlar uchun!




## AXLOQ-ODOB HAQIDA

Bobom bizga foydali maslahatlar beradilar.

— Elektr nuri bo'lmasa, qorong'ida dars tayyorlay olmaysizlar. Shuning uchun kerak bo'lmagan chiroqlarni o'chirib qo'ying, — deydilar.

To'g'ri-da, agar yorug' bo'lmasa, qanday yashash mumkin. Elektr insonlar uchun muhim narsa. Undan to'g'ri foydalanish zarur. Bobom ko'pni ko'rganlar. Shuning uchun zarur nasihatlar beradilar.

— Tejamli bo'lishning foydasi ko'p, — deydilar bobom.

***

Ko'pchilik davrasiga kirganingizda, badaningiz, kiyimingiz ozoda bo'lsin. Davraga yoshingizga qarab joylashing. Qovoq solib, po'ng'illab gapirmang. Muomalangiz xush, chehrangiz ochiq bo'lsin. Boshqalarga so'z bermay, mahmadonalik qilmang. So'zingiz ma'noli, qisqa bo'lsin. Arzigan va arzimagan narsaga kulavermang. Suhbatdoshini masxaralash, laqab qo'yish, qo'lini paxsa qilib yoki pichirlab gaplashish xunuk odatdir.

***

Yumush bilan biror kishining uyiga borsangiz, indamay-netmay eshik ochib kirmang. Avval eshikni qoqing. Ichkaridan «kimsiz» deb so'rashsa, ismingizni to'liq ayting. Eshik ochgan uy egasiga ochiq chehra, muloyimlik bilan salom bering. So'ng muddaoyingizni so'zlang.

Aziz o'g'il-qizlarim, shuni doimo yodda tuting. Kishi hayotida o'zgalarga ko'rsatgan xizmatiga qarab izzat topadi.



# БЕКАТ

## СКАНВОРД




**ГАЗЕТАНИНГ 4-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** Дисковод. Навкар. Араб. Атлас. Ҳинд. Оро. Наф. Фа. Орнамент. Иморат. Манти. Умидвор. Орзу. Тана. Ур. Ортиқ. Ангар. Бар. Стуруа. Бажо. Тасма. Ин. Ананас. Атом. Анвар.

**БЎЙИГА:** Акт. Урал. Арафа. Синоним. Ван. Драматург. Наима. Инобат. Ватт. Даража. Зуннунова. Омон. Трос. Қалампир. Сафар. Абу. Ертут. Деҳқонобод. Аслаҳа. Рим.

**Фозилжон ОРИПОВ** тузди.

## АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП



Вероятны осложнения во взаимоотношениях с руководством. Союз с друзьями поможет в решении многих проблем. На этой неделе дети будут радовать вас успехами и достижениями. В начале недели вероятно нарушение обязательств партнерами и, как следствие, конфликт.



Возможно улучшение в профессиональных делах. Благоприятное время для деловых свершений. Постарайтесь философски отнестись к внутреннему напряжению: оно будет лишь побочным эффектом собранности, которая понадобится вам для достижения целей.



На этой неделе можете смело приступать к выполнению нового проекта, особенно если он сулит хорошую прибыль. Не стоит, однако, ни с кем делиться своими планами. Проявив мудрость и сдержанность, вы успешно справитесь с самыми разнообразными делами.



На этой неделе предстоит много встреч, новостей, поездок по делам. Хороший период для начала новых дел. Улучшится настроение, поднимется тонус, станет ощутимо больше сил, которые будут требовать выхода, и у вас появится громадье новых планов и идей.



Ваши успехи и популярность вызывают восхищение и зависть недоброжелателей. Вероятна командировка или дальняя поездка по личным делам. Оказавшись в затруднительном положении, постарайтесь довериться голосу интуиции, а не строить логические выкладки на спорном основании.



В первую половину недели вам придется добросовестно потрудиться, выполняя собственноручно поставленные перед собой задачи. Конец недели может порадовать интересными и важными встречами. Выходные посвятите отдыху и накоплению сил.



Ситуация на этой неделе для вас будет складываться самая благоприятная – нужно лишь воспользоваться ею. Смело приступайте к выполнению нового важного задания и не сомневайтесь в успехе. Неделя хорошо подходит для совершения некрупных покупок, особенно – подарков.



На этой неделе общение и совместные проекты с деловыми партнерами могут занять большую часть вашего времени. В середине недели не стоит критиковать коллег по работе или начальника, а то вы рискуете попасть в крайне неприятную ситуацию.



Сейчас у вас может наступить ответственный период карьерного роста и связанных с ним служебных и материальных достижений. Проявите участливость, но не позволяйте окружающим добиваться успеха за ваш счет. Хорошее время для начала благоустройства вашей квартиры.



На этой неделе стоит найти время для расширения своих профессиональных знаний. Каждый новый навык, приобретенный сейчас, может оказаться востребованным в самом близком будущем. Удачная неделя для карьерного роста, поездок и командировок.



Инициатива и активность могут оказаться несвоевременными, особенно в начале недели. Лучше не планировать ничего серьезного. Вам потребуется предельное внимание при обращении с документами и бумагами. Тщательно следите за развитием ситуации на работе.



Наступает достаточно благоприятная в творческом плане неделя, если, конечно, не слишком лениться. Все, что вы захотите сделать, будет получаться достаточно легко – это может вас даже удивить. Уделите достаточно внимания детям, особенно побеспокойтесь об их школьных успехах.

## Табассум



### «МЕҲРИБОН» ЭР

Хотин эрига:

– Азизим, пальтом шунчалик эскириб кетди-ки, ҳамма тугмалари синиб тушди. Кийишга уяламан.

– Ҳечқиси йўқ, азизам. Эртага сотиб олиб бераман.

– Вой, қандай яхши, янги пальтоми?

– Йўқ, тугмалар...

### САНАШНИ ҲАМ «БОПЛАДИ»

Ўқитувчи биринчи синф ўқувчиларидан сўради:

– Болалар, ким санашни билади?

Тешавой қўлини кўтарди:

– Мен биламан. Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз...

– Санайвер, Тешавой, санайвер.

–Тўққиз, ўн, валет, дама, король, туз...

### КИМ ТАРАФДАСИЗ?

Тактик машғулотлар вақтида аскарга савол берилди:

– Чўл зонасида душманга йўлиқиб қолсангиз нима қиласиз?

– Уни отиб ташлайман.

– Автоматингиз отмай қолса-чи?

– Граната улоқтираман.

– Портламай қолса-чи?

– Найза билан ташланаман.

– Найзангиз синиб қолса ва у сизга пичоқ билан ташланса-чи?

– Дарахтга чиқиб оламан.

– Чўлда дарахт ўсмайди-ку?

– Менга қаранг, ўртоқ сержант, сиз ўзи ким тарафдасиз?

### ГЎШТЛИ БЎЛСИН

Кафеда ўтирган мижоз официантга деди:

– Марҳамат қилиб, менга сомса олиб келсангиз.

– Жоним билан.

– Жонингиз керак эмас-у, ичида пиёзидан гўшти кўпроқ бўлсин.

### ОДАМЛАР АЙТИШИЧА

– Эрталаб ёмғир ёғса керак, – деди пастлаб учаётган қалдирғоч иккинчисига.

– Қаердан билдинг? – деб сўради иккинчи қалдирғоч.

– Одамларнинг айтишича, биз паст учсак, албатта ёмғир ёғар эмиш...

### СИР

Маҳмуд ва Аҳмад учрашиб қолишди. Маҳмуд жаҳл билан деди:

– Сен кеча мени нега шарманда қилдинг? Ҳаммани олдида «аҳмоқсан» дединг-а...

– Кечирасан, мен бунинг сир эканлигини билмабман.

**Ф. АЛИЕВА** тайёрлаган.

## Рекорды Книги Гиннесса



Самая тяжелая тыква, которая победила на соревновании, весила 1,524 фунтов. Победитель получил 6 долларов за каждый фунт веса тыквы. Самая большая тыква принесла своему обладателю 9.144 долларов.



Okinawa Churaumi Aquarium, который находится в Японии, второй по величине аквариум в мире. Этот фантастический подводный мир и посетителей разделяет самая большая в мире акриловая панель размером 22,5 х 8,2 м и 60 см в толщину.



Рост самой большой Снежной Бабы в мире – 122 фута и 1 дюйм (около 37 метров). Строили ее 2 недели. Спонсоры подкинули денег и мировой рекорд поставлен!



Самая большая плотина в мире Three Gorges Dam находится в Китае. Высота 185 метров и длина 2,309 тыс. метров. «Три ущелья» самая дорогая и самая большая плотина за всю историю мировой гидроэнергетики.

# ДУНЁ НАФАСИ

## БИРЙЎЛА 8 ФАРЗАНД ТУҒИЛДИ



Жанубий калифорниялик аёл жаҳонда бирйўла саккиз фарзандни дунёга келтирган иккинчи онага айланди. Бу ҳақда маҳаллий телевидениеда хабар тарқатилган.

«Kaiser Permanente» номли клиника шифокорларининг айтишича, туғилган 6 нафар ўғил ва 2 нафар қиз боланинг оғирлиги 820 граммдан 1,5 килограммгача экан.

«Бу жуда ғаройиб. Саккиз бола ҳам ўзларини яхши ҳис қилишмоқда», – дейди шифокор Карен Мэйплс.

Бироқ она хусусидаги маълумотни ҳозирча шифохона вакиллари сир сақлашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тиббиёт оламида бундайин янгилик илк бор 1998 йилда Хьюстон шаҳрида қайд этилганди. Ўшанда нигериялик муҳожирнинг 27 ёшли рафиқаси Нкем Чукву бирйўла 6 қиз, 2 ўғилнинг онасига айланганди. Афсуски орадан бир ҳафта ўтиб, фарзандларидан бири нобуд бўлди. Ортда қолган йилнинг декабрида эса еттовлон 10 ёшини нишонлашган.

## ХАЁЛ ЁРДАМИДА ЭШИКНИ ОЧАСИЗ



Инсоният ҳаракатлана олмайдиган ногиронларга ёрдам бериш йўлида яна бир қадам ташлади.

Италиянинг «Fondazione Santa Lucia» номли тадқиқот клиникасида хаёл кучи билан бошқариладиган автоматлашган яшаш жойининг экспериментал моделини муваффақият билан ишга туширишди.

Мия орқали бошқарув компьютерига уланган ускуна юпқа тўқимали қалпоқчалар орқали амалга оширилади.

Мутахассисларнинг фикрича, бундайин бошқарув орқали ногирон кимса эшикни очиши, вентиляторни улаши, хона ёруғлигини маромига келтириши мумкин. Демак, бундайин технологиянинг келажаги порлоқ. Негаки, истиқболда ундан нафақат ногиронлар ёки ялқовлар, балки вазнсизлик ҳолатидаги космонавтлар ҳам фойдаланиши мумкин.

## МОБИЛЬ ТЕЛЕФОН БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН ПОЛИЦИЯЧИ



Япониянинг икки компанияси шубҳали кимсага тўр ташлашни қойиллатадиган робот-полициячини тақдим этишди. Қизиғи шундаки, мосламани мобиль телефон орқали бошқариш мумкин.

«Т-34» номини олган робот Tmsuk Co номли компания томонидан ишлаб чиқилган. Янги моделнинг бўйи 60 сантиметр, оғирлиги 12 килограмм бўлиб, сезувчи микрофон ва иссиқликдан нурланувчи мослама билан жиҳозланган.

Робот-полициячи соатига 10 километр тезликда ҳаракатлана олади. У кичик ғилдикларга мустаҳкамланган, корпусига эса кутилмаган меҳмоннинг ҳаракатига жавоб қайтарувчи детектор ўрнатилган.

## УЙ СОТИШНИНГ АНТИҚА УСУЛИ




Мюнхенлик Фолькер Штини бир неча ойдирки, отасидан қолган қимматбаҳо уйни сота олмагач, ғалати йўл тутишга қарор қилди. Интернет орқали онлайн-викторина эълон қилиб, ғолиб 156 квадрат метр майдонга тенг мазкур уйни олишини билдирди. Бу ҳақда Prian.ru. сайтида хабар тарқатилган.

Айтиш лозимки, Штинининг отаси 2006 йилда вафот этган. 86 ёшли онаси эса қариялар уйида. Ўғилнинг ҳам ўз уйи бор.

Хуллас, уддабурон немис веб-сайт очиб (ҳозирча немис тилида), бош совринга 600 минг еврога тенг ота уйини қўйган. Қизиғи, викторинада қатнашиш учун, яъни рўйхатдан ўтишга аввало 19 евро тўлаб қўйишга тўғри келади. Саволларга тўғри жавоб берган 100 иштирокчи финал босқичига йўлланма олишади.

Штини тахминига кўра, викторинада қатнашиш истагида рўйхатдан ўтадиганлар 48 минг кишидан ошиши керак. Бош совриндан ташқари автомобиль, телевизор, ноутбук каби совғалар ҳам ғолибларга берилади. Қолаверса, тушадиган маблағ веб-сайт харажатлари учун ҳам сарфланади. Ишқилиб, ҳам уйни осонгина пуллайди, ҳам яна қўшимча пул ишлаб олиш имкони бўлади.

Шуни айтиш лозимки, ҳозирча викторинада қатнашиш истагини билдирганлар 70 минг кишидан ошиб кетган.

**(Интернет хабарлари асосида тайёрланди).**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Антикризисный план в 3 млрд. долларов

Министр финансов Норвегии Кристин Хальворсен представила парламенту пакет мер, направленных на борьбу с последствиями финансового кризиса, общей суммой в 20 млрд. крон или около 3 млрд. долларов. Предлагаемый пакет мер – это «достаточно сильное лекарство для экономики страны, которая и так находится в более выгодном положении, чем ее ближайшие соседи», – заявила министр финансов.



### Похищены иностранные туристы

В Нигерии неизвестные взяли в заложники группу иностранных туристов из Швейцарии, Германии и Великобритании, передает РИА Новости со ссылкой на AFP. По словам представителей руководства государства Мали, на границе с которым и произошел инцидент, жертвами злоумышленников стали двое жителей Швейцарии, один турист из Германии и один из Великобритании. Более подробной информации о произошедшем нет.



### «New York Times» продает часть офиса

Терпящая финансовое бедствие в условиях экономического кризиса компания «New York Times» ведет переговоры о продаже части своего головного офиса, расположенного на Манхеттене в Нью-Йорке, сообщает РИА Новости. По сообщениям компании, на продажу выставлены 19 этажей здания, которые она занимает сама, а не шесть этажей, которые сдает.



### На ринге Тайсон и Холифилд

Экс-чемпионы мира по боксу в супертяжелом весе Майк Тайсон и Эвандер Холифилд могут провести свой третий поединок в октябре этого года в столице Объединенных Арабских Эмиратов Абу-Даби, сообщает AllBoxings. Организатором шоу, в рамках которого также пройдут два титульных боя, выступает компания-застройщик «Hydra Properties», глава которой Сулейман Аль Фахим заявил, что предварительная договоренность об этом уже достигнута. Ожидается, что гонорар каждого из боксеров составит более 34 миллионов долларов.



### Ценности под водой

На морском дне у побережья Гайаны (Южная Америка) обнаружен британский транспорт, потопленный германской подводной лодкой в июне 1942 года. По данным «Морского бюллетеня», судно обнаружено американской компанией «Sub Sea Research». На борту судна находятся ценности общей стоимостью 2,6 млрд. фунтов стерлингов – золото, платина и алмазы, отмечает ИТАР–ТАСС.



### Исполнено впервые

Фрагмент неизвестного сочинения австрийского композитора Вольфганга Амадея Моцарта впервые исполнен на публике. Партитуру, принадлежащую перу великого музыканта, нашли еще в прошлом году на западе Франции, но только теперь неизвестное произведение было впервые представлено слушателям, передает телеканал «Культура».

(www.NEWSru.com).

# ЭҲТИРОМ

Ташаккурнома

## ШАРАФЛИ ХИЗМАТ ЭЪТИРОФИ

**Мустақиллик байрами ва Ватан ҳимоячилари куни сингари муҳим саналарда ўз бурчини аъло даражада уддалаб, бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига Мудофаа вазири ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи номидан ташаккурномалар йўлланиши миллий қадриятларимизга ғоят мосдир. Аслида бу каби эътибор ва ҳурмат замирида етук фарзандни камолга етказган, уни оқ ювиб, оқ тараган ва тарбиялаган падари бузруквор ва волидаи муҳтарама учун айтилган улкан раҳмат каломи, уларга кўрсатилган эҳтиром ифодаси мужассам.**



Яқинда юртимиз бўйлаб оммавий тарзда нишонланган Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳам бундай ташаккурномалар диёримизнинг турли гўшаларига, пиру бадавлат отахонлар ва мунису меҳрибон онахонлар номига йўлланди. Мактублар ўз эгаларига мудофаа ишлари бўлим ва бошқармаларида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида катта тантана билан топширилди.

Мазкур тадбир Самарқандда ҳам катта шодиёна билан нишонланди. Шу мақсадда вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ташкил этилган тантанага вилоят ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда «Нуроний», «Камолот» каби ташкилотларнинг жойлардаги вакиллари таклиф этилди.

Вилоятнинг Қўшработ тумани Очил Қодиров номли ширкатлар хўжалигининг Қоратош маҳалласи Эжгант қишлоғида туғилиб вояга етган Дилшод Болқиев айни кунларда миллий армиямиз сафларида ўз йигитлик бурчини адо этмоқда. Меҳнатда улғайган ҳамда бурч масъулияти туйғусини чуқур англаб етган посбоннинг камтарона хизматлари муносиб эътироф этилиб, ота-онаси Гулзиё опа ҳамда Ойдин ака Болқиевлар номига Мудофаа вазиридан ташаккурнома йўлланди. Туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи офицер Пўлат Мамажонов ҳамда бўлим ходимлари мазкур ташаккурномани уларга тантанали равишда топшириш баравариди шундай ўғлонни камолга етказган ота-онага чуқур миннатдорчилик ҳам изҳор қилдилар. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй ва қариндош-уруғ олдида раҳмат олиб бериб, юзларини ёруғ қилган фарзанди туфайли ота-онанинг кўнгли тоғдай кўтарилди, десак хато қилмаймиз.

– Касбим ўқитувчилик, мактабда тарих фанидан ёш авлодга сабоқ бераман, – дейди биз билан суҳбатда Ойдин ака. – Дилшод учинчи фарзандим. Акаси Шерзод ҳам армияда хизмат қилиб келган, ҳозирда ички ишлар соҳасида хизматга кириш ниятида. Эл-юрт олдида обрў олиб бераётган фарзандларимиздан хурсандмиз.

– Ушбу оила маҳалламиздаги энг намунали хонадонлардан саналади, – дейди маҳалла оқсоқоли Ҳикматулла Чўтбоев. – Зиёли оила соҳиб ва соҳибаларининг ҳар иккаласи ҳам ёшлар тарбиясига доимо эътиборда. Қўни-қўшнилар билан ҳам аҳил . Айниқса, Ойдин ака ўқитувчилик касбининг этагини тутгани боис фарзандларимизни ўқитиб, тарбия бераётган ҳурматли устозлар сифатида барчамизнинг ҳурмат-иззатимизда. Мана, ўғли туфайли обрў-эътибори янада ортди. Ҳа, бундайин инсонлар эъзозга, эътирофга муносиб. Зеро, аввало ўз фарзандларини яхши тарбияламаса, бошқаларга тўғри йўл-йўриқ кўрсата олармиди! Маҳалламиз вакили бўлган Дилшоднинг бундай эътибор қозонгани бизни ҳам севинтиради. Ёшларимизга уни намуна қилиб кўрсатамиз.

Ойдин ака ва Гулзиё опалар билан хайрлашар эканман, ота-она учун фарзанд камолини кўришдан каттароқ қувонч йўқ, деган фикр ўтди кўнглимдан.

**Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.**
**Собир ЎРОҚОВ суратга олган.**

## «ЎҒЛИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН»

Дунёда Ватанни ҳимоя қилишдек эзгу ва шарафли вазифа бўлмаса керак. Эътибор берган бўлсангиз, инсон жон қадар азиз биладигани – жонажон юртини, қадрдон гўшасини энг муқаддас даргоҳ сифатида эъзозлайди, ҳар қарич тупроғини кўзига тўтиё айлайди, унинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун ўз ороми, ҳаловатидан кечади. Ватанини севган, унинг тошу гиёҳига ўзгача меҳр қўйган инсон учун юрт қўриқлаш ота-боболаримиздан қолган муқаддас анъана сифатида ҳам қадрлидир. Шу боисдан ҳам оилада ўғил фарзанд туғилса, яна бир Ватан ҳимоячиси дунёга келганидан барча бирдек севинади. Фарзандининг эл-юрт корига ярайдиган паҳлавон ўғлон бўлишини ким ҳам истамайди дейсиз. Мен ҳам бағримда улғаётган фарзандларимнинг ўз Ватанига садоқатли, фидойи инсонлар бўлишини истаганман. Ўғлим Бобораҳим Эргашев муддатли ҳарбий хизматга отланганида орзуим амалга ошганидан жуда хурсанд бўлдим. Ота-она учун фарзандининг камолини кўриш катта бахт.

Фарзанд ота-онанинг ишонган тоғи, суянган елкадоши ва энг аввало наслининг давомчиси. Улар орқали кўрсатилган ҳурмат ҳар бир ота-онанинг қалбига чексиз ғурур бағишлайди. Яқинда ўғлимизнинг ҳарбий хизмат мобайнида эришган ютуғи туфайли биз – ота-онасига Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига биноан йўлланган ташаккурномани ўқиб қалбимда чексиз ғурур ва ифтихор ҳиссини туйдим. Ташаккурномани туман мудофаа ишлар бўлимида тантанали равишда топширишди. Ўша пайтдаги ҳолатимни сўз билан таърифлашга ожизман. Кўзларимга севинч ёшлари қуйилди. Ахир хурсанд бўлмай бўладими, ўғлимнинг хизмати давлатимиз томонидан юксак баҳоланибди, у туфайли биз ҳам эъзозландик. Аслида буларнинг барчаси истиқлол шарофати билан. Ҳурлик фарзандларимиз ҳаётида мана шундай катта ўзгариш ясамоқда. Йигитларнинг мард, жасур ўғлонлар сифатида шаклланишида армияда олган билимлари кейин ҳам асқотишини, уларнинг шахс сифатида камолга етишида ҳарбий хизмат муҳим пойдевор, тамал тоши вазифасини ўташини ҳисобга олсак, ислоҳотлар самарасини яққол англаймиз.

Ўғлимнинг ёшлигидан ҳарбий хизматга меҳри бўлакча. Чунки амакиси ҳам шу соҳада хизмат қилади. Ёшликдаги ҳавас бугун қатъий мақсадга айланди. Шу боисдан ҳам ҳарбий хизматни тамомлаб ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчи. Оила аъзоларимиз билан унинг мақсадини қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, Ватан ҳимоясига отланиш ҳар бир эр йигитнинг энг олий ва муқаддас бурчидир. Бурчга содиқлик Ватанига, ота-онасига содиқликдан далолат. Мен ўғлим билан фахрланаман.

**Гулчеҳра РЎЗИЕВА,**
**Бухоро вилояти, Олот тумани.**

Твои герои, Узбекистан!

## В ЕГО РУКАХ – «СЕРДЦЕ» АВТОМОБИЛЯ



**Весть о том, что слесарь по ремонту двигателей Владимир Семенец стал кавалером медали «Содик хизматлари учун», очень быстро разлетелась в коллективе авторемонтного предприятия. Товарищи были искренне рады, ведь Владимир Федорович является здесь непререкаемым авторитетом, прекрасным примером для подражания.**

Впрочем, когда только пришел Владимир Семенец на это предприятие, об опытном мотористе заговорили сразу. Шли годы, менялись руководители, усовершенствовалось оборудование, но одно оставалось всегда неизменным – требование к высокому качеству ремонта военной автомобильной техники. Среди тех, кто это самое качество обеспечивает, в моторном цехе завода особое место занимает слесарь Владимир Семенец.

Двигатель не случайно образно именуют «сердцем» автомобиля, ведь от его ритмичной работы напрямую зависит степень готовности техники выполнить поставленную боевую задачу. Бригада слесарей трудится с огоньком, перекрывая свои сменные задания при высоком качестве выполненных восстановительных работ.

Наблюдая за тем, как очередной автомобиль сверкает свежей краской, уходя со сборочного участка, Владимир Федорович проникается чувством гордости за свою работу, за родной коллектив. Конечно, машине еще предстоит пройти обкатку и заводские испытания. Но опытный мастер своего дела уверен в результатах своего труда. Заводчане, как правило, не получают рекламаций от войсковых частей, где эти автомобили продолжают выполнять задачи по перевозке грузов и личного состава.

«Новая жизнь» автотранспорта, прошедшего через ремонтные работы, оказывается обычно длительной. Ведь труженики предприятия вкладывают в дело частицу своей души.

Кстати, опытный слесарь передает свои знания и опыт не только товарищам по цеху. Его сын, Сергей, прошел школу трудовой закалки здесь, а сейчас успешно работает в автосервисе.

– Вообще-то, Владимир Федорович к каждому юноше, мечтающему стать настоящим мотористом, относится с отеческой заботой, – так отозвался о товарище начальник цеха Владимир Дворцов.

Есть в работе ремонтников такой временной рубеж: на восстановление одного двигателя дается три дня. Именно за такой срок надо полностью разобрать «сердце» автомобиля, сделать точный «диагноз» проблем в его работе, заменить все ненадежные детали и снова собрать. После восстановительных работ машины, имевшие неисправности в работе двигателей, возвращаются в строй действующих. Это и есть тот весомый вклад в укрепление боевой готовности нашей армии, оцененный по достоинству медалью «Содик хизматлари учун». В медали Владимира Федоровича – высокая оценка труда всего трудового коллектива.

**Майор Анвар КАСЫМОВ.**
**Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

# УСЛУБИЯТ

## МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

«Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт», дейди Президентимиз Ислом Каримов Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллик байрами муносабати билан йўллаган Мурожаатида. Шу ўринда посбонларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, тарбиявий ишларни режалаштириш, унга раҳбарлик қилишдаги ўзига хосликлар борасида фикр юритсак.

Шахсий таркибнинг маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбиясини миллий истиқлол ғояси ҳамда халқимизнинг энг яхши анъаналари асосида шакллантириш, уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигига, Ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низом талабларига сўзсиз риоя этишларига эътибор қаратмоғимиз лозим.

Шу ўринда мазкур вазифа ва талабларни бажаришда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, бу борадаги фаолиятни турли усул-услублар ёрдамида такомиллаштиришни аввало Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Мудофаа вазири, тегишли қўмондонлар, командир(бошлиқ)лар буйруқ ва кўрсатмалари асосида амалга ошириш зарур.

Тарбиявий ишларни режалаштириш муваффақиятининг асосий шарти командирлар ва улар ўринбосарларининг бу борада аниқ вазифаларни белгиловчи дастурлар тузиш ва қўллаш методикасини эгаллаб олишлари ҳисобланади. Бу ишлар асосан қуйидагилардан иборат:

– мақсадга эришиш учун керакли тадбирлар тизимини аниқлаб олиш;

– тарбиявий ишларда асосий масалани аниқлаб олиш ва уни биринчи вазифалар қаторига киритиш;

– режалаштирилган тадбирларни бажариш муддатларини белгилаш;

– тарбиявий жараён ижрочиларини аниқлаш.

Ягона методик тизимни яратиш ва ундан фойдаланиш билан посбонларда зарур сифатларни шакллантириш бобида ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Методик тизимнинг белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

Аниқ бир вазифани бажариш олдидан (масалан, соқчиликка киришишдан олдин ва шу кабилар) тарбиявий ишларни олиб бориш. Уларнинг кўринишлари: йиғилиш, суҳбат, йўриқнома ва шу кабилар.

Бевосита хизмат вазифаларини бажаришда шахсий таркиб эътиборини жалб этувчи усул ва воситалардан фойдаланиш. Бунда деворий газета, фотогазета, жанговар варақалар чиқариш ва ҳоказолар кўзда тутилади.

Шахсий таркибда интизомлилик, масъулиятлилик, бўйсунувчанлик каби сифатларни юзага келтирувчи шароитларни яратиш. Бу сифатлар юксак талабчанлик, муайян жанговар ва психологик вазифаларни бажариш шароитида тарбияланади.

Баҳо бериш кўрсаткичларидан оқилона фойдаланиш. Булар якуний хулосалар чиқариш, илғор тажрибаларни тарғиб қилиш, муваффақият ва муваффақиятсизликларни ўрганиб чиқиш, муҳокама қилиш, ўрнак кўрсатганларни рағбатлантиришдан иборат.

Илғор командирларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, тарбиявий ишларда сезиларли натижаларга эришиш учун кўрсатилган тавсиялар ҳаётга тадбиқ этилса, уларга оғишмай риоя қилинса, бу ишлар методик тўғри ташкил этилса, қолаверса, қуйидаги каби илмий асосларга ва илғор тажрибаларга амал қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Аниқ бир вазиятда тарбиялашдаги ўзига хос хусусиятларни мунтазам ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳарбий қисм, бўлинма хусусиятларини ҳисобга олиш. Ҳарбий хизматчиларнинг ўқув, хизмат, ижтимоий вазифаларни бажаришларига тарбиявий таъсир кўрсатиш имкониятларидан кенг фойдаланиш.

2. Қонунлар, бошқарув ҳужжатлари ва шахсий таркиб олдида турган аниқ вазифаларга асосланган тарбиявий жараённи тўғри илмий режалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини жиддий назорат қилиш.

3. Тарбиявий аҳамиятга молик масалаларни барча турдаги ҳарбий фаолиятда ҳал этиб бориш. Тарбиявий жараённи вақтинчалик эмас, мунтазам олиб бориш керак. Унда командирлар албатта ҳар бир масаланинг муҳимлигидан қатъий назар, хизмат даври ва жойи, шароити, вақтига қарамай бу ишларни доимий олиб борган бўлсаларгина яхши натижа беради.

4. Тарбия воситалари ва усулларини танлашда умумий тавсиялар бериш мумкин эмас, бу жараён ижодий ва тарбиячининг шахсий сифатларига боғлиқ бўлади. Бунда ҳамма учун умумий бўлган шакл ва усуллар – йиғилиш, суҳбат, кўрсатмалар, тарғибот ва кечалардан фойдаланиш керак бўлади.

5. Бўлинмада соғлом маънавий муҳит яратиш керак, бунда «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» тушунчаси устун туриши керак, «инсон инсонга дўст, биродар» каби тамойилларга амал қилиниши керак. Қаерда камситиш бўлса, шу ерда тарбия қийин кечади.

Тарбиявий ишларга раҳбарлик қилишнинг самарадорлиги нафақат мазкур жараённинг ўрганилиши, таҳлил қилинишига, балки тарбия ишлари натижаларини аниқ, илмий асосда, холис баҳолашга, педагогик таъсир этиш тизимини тўғри қўллай билишга ҳам боғлиқ.

Тарбиявий ишларга раҳбарлик қилиш, унинг самарадорлигини оширишга олиб бориладиган тадбирларни назорат қилиш ва кузатиб бориш билан эришилади.

Улар қуйидагилардан иборат:

– амалдаги қўлланилаётган восита ва усуллар тизимини назорат қилиш ва текшириб бориш;

– белгиланган кўрсаткичлар асосида офицерлар, сержантлар тарбиявий фаолиятининг натижаларини баҳолаш методикаси;

– қисм ва бўлинмаларда тарбиявий ишлар натижаларини ҳисобга олиш ва қайд этиш, назорат қилиш, текшириш, тарбиявий ишлар тизимини тартибга солиш ва самарали воситаларни яратиш.

Қисм, бўлинмаларда тарбиявий ишларнинг бажарилишини назорат қилиш ва текшириш қуйидагилардан иборат:

1. Тарбиявий ишлар ва қабул қилинган қарор режаларининг бажарилишини текширишни ташкил этиш.

2. Тарбиявий жараённи ривожлантиришда муҳим йўналишларни аниқлаш.

3. Олинаётган маълумотларни, тарбиянинг турли шакл ва усуллари самарадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

4. Офицерларнинг тарбиявий ишлар якунлари бўйича хулосалар чиқаришини ўрганиш.

5. Офицерларнинг тарбиявий иш режаларини қай даражада амалга оширганлиги ҳақидаги ҳисобот мониторингини олиб бориш.

Назорат қилишни ҳаддан ташқари ошириб юбориб, доимий кўрсатмалар бериш мумкин эмас. Назорат қилиш – бу доимий равишда тарбиявий ишлар жараёнини ўрганиб бориш, тарбиявий ишлар бўйича командирлар ва уларнинг ўринбосарларини қўлланмалар билан таъминлаш, шунингдек, амалий равишда уларни ишлашга ўргатиш ва доимо ёрдам кўрсатиб боришдан иборат бўлади.

Илғор командирлар тажрибаларини ўрганиш тарбиявий ишлар натижаларини текширишда диққатни ҳар қандай майда камчиликларга эмас, асосий масалаларга қаратиш кераклигини кўрсатади. Бу энг аввал тарбиявий жараён қандай режалаштирилгани, уларни ўтказиш методикаси, кимлар иштирок этиши, тарбия натижалари, бўлинмаларда ҳарбий интизом, ташкилотчилик ва тартиб масалалари қандайлиги билан ўлчанади.

Шу тариқа назорат ва текшириш ишлари ёрдамида бўлинмаларда тарбиявий ишлар аҳволи қай ҳолатда экани ҳақида тўла маълумотга эга бўлиш мумкин.

Текшириш ва назорат олиб боришнинг асосий талаблари қуйидагича:

а) мунтазам равишда, чуқур ва ҳар томонлама текшириш;

б) холис, фойдали, натижали бўлиши.

Текширишларнинг асосан қуйидаги турлари мавжуд:

а) кундалик;

б) назорат;

в) якуний.

Одатда қуйидаги вазиятлар текширилади ва баҳоланади:

а) ҳарбий ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик режаларининг бажарилиши;

б) ҳарбий тайёргарлик ҳолати, ҳарбий таълимда эришилган ютуқлар;

в) ҳарбий интизом ҳолатлари;

г) шахсий таркибнинг сиёсий, маънавий билими;

д) ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда командирнинг шахсий ўрнак кўрсатиши;

е) раҳбар ва шахсий таркибнинг тарбиявий ишларда иштироки ва бошқалар.

Президентимиз ўз мурожаатларида таъкидлаганларидек, Қуролли Кучларимизнинг жанговар қобилияти, мамлакатимиз хавфсизлиги ва жамиятимиздаги маънавий-ахлоқий муҳит бевосита посбонларда миллий истиқлол ғояларига садоқат, Ватан тақдири учун юксак масъулият, бир сўз билан айтганда, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга қаратилган вазифаларнинг нечоғлик муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ.

**Подполковник Улуғбек МАМУРОВ,**
**Низомий номидаги ТДПУ ҳарбий кафедраси цикл бошлиғи.**





Суратлар таҳририят архивидан олинди.

# МАЛАКА

## «ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ»

**Куни кеча Марказий офицерлар саройида очилган фотокўргазма шундай номланган. Унда «Ватанпарвар» газетаси фотомухбирлари – Қуролли Кучлар хизматчилари Камолиддин Тўраев ва Баҳром Абдураҳимовлар ижодига мансуб ранг-баранг фотосуратлар намойиш этилди.**

Кўргазмада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва Қуролли Кучлар фахрийлари иштирок этдилар.

Ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, Ватан ҳимоячиси бўлишнинг нечоғли шарафли ва масъулиятли касб эканини, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги ва мамлакатимиз осойиштилиги эл корига камарбаста бўлишга аҳд қилган посбонларимизнинг азму шижоатига чамбарчас боғлиқлигини ёшлар онгига чуқур сингдириш мақсадида ташкил этилган фотокўргазма йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Бу тадбир Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда уларнинг натижалари, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, шунингдек, армиядаги жанговар, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарлика оид жараёнлар, алоҳида ютуқларни қўлга киритган илғор Ватан ҳимоячилари билан кенг жамоатчиликни, айниқса ёшларни таништириш, уларда ҳарбий соҳага нисбатан қизиқиш уйғотишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади, – дейди Мудофаа вазирлиги Маънавият тарғибот маркази бошлиғи ўринбосари офицер Содиқ Ортиқов.

– Фотокўргазма менда чуқур таассурот қолдирди, – дейди меҳмонлардан бири – Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, рассом Е. Гадецкий. – Фотосуратлар орқали йиғилганлар бугунги миллий армиямизнинг кучи, салоҳияти, посбонлар ҳаёти, юрт ҳимоясига масъул бўлишнинг қанчалар улуғвор вазифа эканлиги тўғрисида кенг тасаввурга эга бўладилар. Бу эса муаллифларнинг ўз касби сирларини маҳорат билан эгаллаганликлари исботидир.

– Ижодий ишларини жамоатчилик эътиборига ҳавола этган муаллифларнинг маҳорати мени қойил қолдирди, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Феруз Абдуназаров. –Менга айниқса «Жанговар вазифа», «Аниқ мўлжал», «Мен алоқадаман», «Фазога учиш олдидан», «Десант вазифани бажаришга тайёр», «Аскар хизматдан қайтди» деб номланган сурат ва фотоэтюдлар жуда манзур бўлди.

Фотокўргазма 20 февралгача давом этади.

**Жасур НИЁЗОВ.**



## ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ ТАРОВАТИ

**14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг ташкил топганлигининг 17 йиллиги барча жойларда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди.**

Жумладан Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университетида ҳам маънавият ва маърифат бўлими, ҳарбий кафедра ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир очилиши ҳарбий кафедра талабаларининг саф қўшиғи билан бошланди. Шундан сўнг, университет ректори, техника фанлари доктори, профессор Шораҳмат Шообидов сўзга чиқиб, барчани байрам билан қутлаб, бугунги кунда Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида гапирди.

Ҳарбий кафедрада фаолият юритиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, уларга ҳарбий билимларни пухта ўргатиб келаётган бир қатор ўқитувчи ва офицерлар университет раҳбарияти томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, намунали хизматлари учун тавсияномага сазовор бўлган ҳамда бугунги кунда олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабалар томонидан тайёрланган қизиқарли саҳна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Майор Қамбарали АЗИЗОВ.**

## ШИФО МАСКАНИ ФИДОЙИЛАРИ

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти тиббиёт пунктидамиз. Аввало бу даргоҳдаги тартиб ва озодалик кайфиятимизни кўтарди. Бунда албатта, тиббиёт пункти бошлиғи тиббий хизмат капитани Ботиржон Тоҳиров ва шифот маскани ходимларининг ўрни катта. Бизни дастлаб кўз шифокори Иҳлима Эгамова қарши олди.

Қуролли Кучларимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнини ҳар жабҳада кузатиш мумкин. Ҳарбий госпитал ва тиббиёт пунктларида амалга оширилаётган янгиланишлар ҳам фикримиз далилидир. Албатта, соҳадаги ижобий ўзгаришлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бу етакчи раҳбарлардан тортиб, ҳар бир ходимнинг изланиш ва интилишлари мевасидир. Ушбу шифо масканида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Чунки тиббиёт ходимлари ўзига бириктирилган, тўғрироғи фаолият юритаётган хонасини дид билан жиҳозлашга, хона гуллари билан безатиб ораста сақлашга ҳаракат қилган.

Хоналарга эътибор бераман. Жарроҳлик, ички касалликлар, қулоқ-бурун-томоқ, тиш даволаш, кўз касалликлари, физиотерапия хоналари бугуннинг талаби асосида жиҳозланган. Тез ёрдам хонасида беморга биринчи ёрдам кўрсатиш учун барча тиббиёт асбоблари, дори-дармонлар шай ҳолатда. Дорихонада эса дори тайёрлаш ва уларни белгиланган идишларда асраш учун шароит ва жиҳозлар ҳозирланган. Дам олиш жойи ҳамда ошхонада ўзгача файз-тароват. Энг асосийси, бу ерда хизмат қилаётган шифокорларнинг малакали, кўп йиллик тажрибага эга эканлигидир.

Айниқса, йигирма беш йилдан буён шу гўшада хизмат қилаётган қулоқ-бурун-томоқ шифокори Роза Алмаева ҳақида касбдошлари меҳр ила тўхталиб ўтишди. Ҳаётини тиббиёт соҳасига бағишлаган шифокорнинг улкан тажрибаси ёш шифокорлар учун катта аҳамият касб этмоқда. Жарроҳ Абдувакил Абдухолиқов, ички касалликлар шифокори Граждан Вера Вадимовна, кўз шифокори Иҳлима Эгамова, кўп йиллардан буён тиббиёт пункти дорихонасида хизмат қилаётган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Вафоқул Худойқулов каби ходимлар ҳақида илиқ фикрлар эшитдик. Тиббиёт пункти билан танишиш давомида «Оила шифокори» хонаси диққатимизни тортди. Ўйинчоқлар билан безатилган бу хона ҳарбий шаҳарчадаги ёш болали оилалар учун шошилинч зарурат туғилганда биринчи ёрдам кўрсатиш учун ҳозирланган экан.

– Физиотерапия муолажаларини қўллаш учун тиббиёт пунктимизда барча замонавий асбоблар ҳозирланган, – дейди ҳамшира Фарида Дурдиева. – Шароит етарли бўлса шифокорлар меҳнатида унум бўлади. Энг асосийси, беморлар тез оёққа туради.

Ҳа, беморлар саломатлигини тез тиклашда етарли шароит ва тажрибали шифокорларнинг ўрни катта. Посбонлар даволанишлари учун белгиланган хоналарга кирамиз.

– Оёғим жароҳатланиб даволанаётган эдим. Саломатлигим тезда тикланди. – дейди курсант Анвар Жабборов. – Бунда қўли енгил шифокорларнинг катта хизмати бор. Улардан жуда миннатдорман. Яна саноқли кунлардан сўнг сафга қайтаман.

– Мен ҳам дўстимнинг фикрига қўшиламан, – суҳбатни давом эттиради курсант Шаҳобиддин Худойбердиев. – Бу ерда шароит жуда яхши, муолажалардан кўнгил тўқ. Шифокорлар ўта эътиборли. Уларга қанча миннатдорчилик билдирсак шунча оз.

Шубҳасизки, тиббиёт пункти ходимларининг вазифаси нафақат даволаш, балки касалликнинг олдини олиш бўйича ҳам шахсий таркиб орасида профилактика ишларини олиб боришдир.

Бу борада ҳам шифокорларнинг саъй-ҳаракати диққатта сазовор. Билим юрти тиббиёт пунктидан кўтаринки кайфият билан қайтдик. Чунки ҳар қандай соҳадаги фидойилик, кўтаринки кайфият ўзгаларга ҳам таъсирини ўтказмай қолмайди. Янги 2009 йилда ушбу шифо маскани ходимлари янада улкан ютуқлар, янгиланишларга юз тутишига ишонч билдириб қоламиз.

**Зулфия НОСИРОВА.**



# АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

## СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

**(Тарихий романдан парча)**

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).**

16

Яхдай тўлқинга шалоплаб урилган он Қорасочнинг мияси ялт этиб очилган, хотираси устига тортилган пардадан халос бўлиб ўзини қўлга ололган эди.

Асир бўлиб тушишгач, Қорасочнинг раққосалигини эътиборга олган Кубача уни сарой ўйинчиларига қўшиб қўйди.

Раққосаларнинг аксарияти ҳиндулар. Урдулар, эронийлар, яҳудийлар ҳам бор. Бари ўзини беғам-беташвишдай тутар, ўйнаб-кулгандек бўлишар, бироқ бу кўлнинг юздаги ҳубоб (кўпик), тўлқинлари тубида бўлса ажаб эмас. Баъзан ўйга толишлари эҳтимол шундандир.

Жума кунлари саройда бўладиган базми жамшидларда ўйнашар экан, бошқа вақтларда бари бекор, бари битта кенг ҳужрада яшашар, кўча юзини кўришмас. Гоҳ-гоҳ Кубача ўзи ёқтирганларини ишратга олдирар экан. Бечоралар шундан ҳам хурсандга ўхшар.

Буларнинг ҳаммаси Қорасоч учун таниш манзаралар, босиб ўтилган йўл. Ўтрору Урганжда ҳам, Талақонда ҳам айни шундай, раққоса аҳли бамисоли чиройли қафасдаги гўзал қушлар, дон-сув бисёр, аммо эрк-ихтиёр йўллари берк.

Қорасочнинг тақдири ҳам шу-ку. Аввалида хушчақчақ кўринган ҳаёт, кейин камситишлар, хўрлашлар, турли-туман бало-қазолар. Ўз кўргиликларига зомин бўлган бир одам... Агар тақдир уларни яна учраштирса, ул мунофиқни не қилишини Қорасоч ўзи билар...

17

Амин Маликнинг ўғли Ҳайдаршоҳ соҳилга чиқиб олгач, Абу Аёзбек қўлига тушган эди. Абу Аёзбек Кубачанинг қассобсифат саркардаларидан, бадбашара, гавдаси бесўнақай, феъли совуқ киши эди. Шундан бўлса керак, шериклари унга Абу Совуқ деб лақаб берган эдилар, бора-бора бу унинг исмига айланиб қолганди.

Абу Совуқнинг ёқимсиз қилиқларидан бири баччабозлиги эди. Энг ёмони шу эдики, қўлга туширган ўлжасини қийнашдан, боланинг додлашларидан нафси ором оларди. У бола қонини ичармиш, деган гаплар оғизга тушган, ота-оналар ўз болаларини ундан яширадиган бўлишган эди.

Соҳилда ой юзли, жингалак соч болани кўрибоқ Абу Совуқнинг кўзи ўйнаб, Ҳайдаршоҳни икки навкари билан ўз қалъаси Калорга жўнатган эди. Боланинг қулоғидаги қимматбаҳо дурдан унинг асилзодалигини билган ва дурни тортиб олишни унутмаган эди.

Буни Кубачага айтмасликнинг иложи йўқ, эртами-кечми, барибир ҳукмдорнинг қулоғига етади. Шу важдан «баччани аввал ўзи кўриб» кейин унга топширишни кўнглига тугиб қўйди.

Бетоқат Абу Совуқ ўша куннинг эртасигаёқ Калордаги маишатхонасига етиб борди...

18

Ҳар жума оқшоми бўладиган базми жамшидларга аъёнлар ва саркардалар, қалъаларнинг волийлари кимўзди совға-саломлари билан келишар, бу «ришва»лардан Кубача худди нашъа чеккан каби ҳузурланар эди.

Бу гал Абу Совуқ тақдим этган ҳадя айрича бўлди. Рангин қутичани очиши ҳамоно базмхона аввалгисидан ҳам ёришиб кетгандай бўлди. Гўё бир чароғон юлдуз қутичага жо бўлгандай эди.

Шамсулмулк уни кўриши билан дарёдаги ўша бурдуқли бола қулоғидаги дур кўз олдига келди. Ҳа, бу ўша дур, бебаҳо сарват эди. Шамсулмулк яна бир нарсани эслади. Ҳукмдорга ялтоқилик қилиб турган мана шу бадбашара одам болани соҳилдан юлқиб олиб кетган эди.

Бола бечоранинг тақдири не бўлди экан?

Кубача Абу Совуқдан сўради: «Жавоҳир қайдин?» Саркарда деди: «Султон Жалолиддин қайниси қулоғидандур». Ҳукмдорнинг қизиқиб қарашини кўриб тафсилотини ўзича айтди. Бола қирғоққа чиқиб олғон. Қулоғидаги дурдин кимлиги билунган. Қочар чоғинда дур олинган ва бола ўзун дарёга отқон...

«Демакки, – ўйлади Шамсулмулк, – бола қатл этилган. Водариғ!»

Кубача мамнун бўлиб саркардага сарупо ҳадя этди.

Эшик оғаси дастёри (Қамбарнисо) елиб-югуриб хизмат қилар, аммо қулоғини базмхонадан узмас, Амин Маликнинг ўғли, унинг қулоғидан олинган дур ҳақидаги гапни ҳам узоқдан бўлса-да, қопчиб ололган, кўнгли алланечук бўлиб кетган эди.

Ҳали базм бошланмасидан олдин, саломхона эшигида ўшал бадбашара саркарда унга суқланиб қараган, ёнидаги одамга «силлиқ бола эркан, қайдин учиб келмиш» деганини ҳам қулоқлари илиб олган эди.

Бутун базм давомида саркарданинг совуқ кўзлари ўзини таъқиб этиб турганини сезса-да, «силлиқ бола» сир бой бермай эшик оғаси буюрган хизматларни бекаму кўст адо этаберди.

Яқин-яқингача Хоразмшоҳ саройи раққосаси бўлган Қорасочнинг дилбар ўйинлари барчани ром этган бўлса, Шамсулмулк билан Қамбарнисони ҳайратга солди. Бул ўзи ким, ўшал хотирасини йўқотган аёлми ёхуд бир сеҳргар?

Қорасоч бўлса... Кубача эътиборини қозониб, шу орқали Ибн Ҳожиб хабарини топиш, иккинчи тарафдан эса Гулбегим бонуни ҳарамдан қутқазиш пайида эди.

19

Тўғонбек Қамбарнисони ҳар соридан ахтарди, тополмади. Ҳур сингилларимдан ёлғиз ёдгорим деб, бош урмаган жойи қолмади. Аммо уни кўрдим деган одам бўлмади.

Уста хаёл этди. Йигит Малик даъватидан Исфахон кетдимикин. Бундоқ бўлмоғи мушкул. Кетмоқ ният айласа, билдирган бўларди. Ўйламай иш қилгувчилардан эмас синглиси.

Шуларни ўйлаб бир кор-ҳол юз бермиш, деган тўхтамга келди. Атроф тўла ғаним. Бири бўлмаса бири шикаст етказмоғи тайин. «Қайдасан, силгилжоним, бул оламда бормисан туғишғоним, қайлардин излайин сени, қайга бошимни урайин!» дея нола қилди.



Уста таваккал қилиб йўлга чиқмоқчи, атроф овул ва қалъалардан синглисини изламоқчи ҳам бўлди. Лекин, ўрмонга яширилик мунча қурол-аслаҳани ташлаб кетолмаслигини ўйлаб, бўшашганча ўрнига ўлтирди. Ўзига таскин берди. Иншооллоҳ, бугун-эрта, мушкуллар осон бўлур!

20

Султон Жалолиддинни ашаддий ғаним деб билгувчилардан бири – Шатра вилоятининг ҳукмдори Рапа эди.

У авваллари Алоуддин Хоразмшоҳдан чўчирди. Шатра вилоятига бир кунмас-бир кун чанг солади, деб хавфсирарди. Энди ул йўқ. Аммо унинг ўғли Жалолиддин... Мабодо, у мўғулларни енгадиган бўлса, ўшал хавф хавфлигича қолади. Агар Чингизхон ғолиб келгудек бўлса, у ҳам Шатрани тинч қўймайди. Бироқ йирикроқ ўлжалар хаёлида уни четлаб ўтиши ҳам мумкин.

Хоқон ҳозир тўқ, нафсини қондиришнимас, эртани кўпроқ ўйлайди, арқонни узунроқ ташлайди. Жалолиддин эса оч, у қорни ғамида ўлжа каттами-кичикми, танлаб ўтирадиган аҳволда эмас. Демакки, кўпроқ ундан қўрққулик...

Рой (малик) Рапа ана шундай хаёллар дарёсида оқаётганида айғоқчи Синд бўйидан у интиқ кутаётган хабарни олиб келди. Савашда Жалолиддин енгилмиш. Аммо, тирикдур.

**(Давоми бор).**

Диққат, танлов!

## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” IV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ



**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида “Олтин қалам” IV Миллий мукофоти учун халқаро танловини ўтказади.**

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2008 йилнинг 31 мартидан 2009 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2009 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.** Ғолиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио - 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот – 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

– журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

– фаол фуқаролик позицияси учун;

– ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

– ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

– “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”га бағишланган энг яхши материал учун;

– маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

– ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун;

– энг яхши журналистик текширув учун;

– мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

– энг яхши режиссёрлик иши учун;

– энг яхши матбуот хизмати;

– энг яхши фоторепортаж учун;

– энг яхши карикатура учун;

– чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак. Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

– муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

– паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри,

Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар.

Телефонлар: 244 64 61; 244 64 62; 244 37 87.

www. Journalist.uz

# СПОРТ

## ЗИМНЯЯ ОЛИМПИАДА СРЕДИ КУРСАНТОВ

**С 19 по 22 февраля 2009 года на базе Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища пройдет зимняя Олимпиада среди курсантов высших военно-образовательных учреждений Министерства обороны.**

**Ее участники будут соревноваться в тактике специальной подготовки, спортивных дисциплинах, конкурсе знатоков.**

**Целями проведения данной Олимпиады являются создание высокого морально-боевого духа, атмосферы состязательности в курсантской среде, акцентирование внимания на вопросах подготовки интеллектуально развитых, широко эрудированных и стратегически мыслящих офицерских кадров.**

**Курсанты будут состязаться в решении задач по выживанию в полевых условиях, вождению автомобиля, выполнению упражнения АК-1. Кроме этого, они также померятся силами в биатлоне, комбинированной эстафете, спортивном ориентировании, волейболе. В программе Олимпиады также конкурсы «Балли, йигитлар!» и знатоков.**

**В процессе участия в зимней Олимпиаде будущие офицеры пройдут серьезную проверку не только в силе и ловкости, меткости ведения огня из стрелкового оружия, но и в смекалке, находчивости, умении быстро найти выход в любой нестандартной ситуации. А это станет серьезным стимулом для работы над собой в ходе дальнейшей учебы и служебной деятельности.**

**Желаем участникам зимней Олимпиады среди курсантов успехов и побед!**



Фото из архива редакции.

Чемпионат войск Министерства обороны

## «ЖЕЛЕЗНАЯ ИГРА» – СПОРТ СИЛЬНЫХ





В спортивном комплексе ДВВАУ стартовал очередной лично-командный чемпионат войск Министерства обороны по гиревому спорту. В результате упорных поединков уже определены победители и призеры в двух весовых категориях до 65 кг и до 70 кг.

В весе до 65 кг первое место и золотую награду завоевал курсант ЧВТКИУ Хурсанд Тангрибергенов. Он в сумме двоеборья набрал 300 очков: толчок – 200 очков, рывок – 100. Вторым призером стал курсант Ойбек Хайдаров (ТВОКУ), набрав в сумме двоеборья 180 очков (толчок – 82, рывок – 98). Бронзовой награды удостоился курсант Мурод Бабажонов (СВВАКИУ), который всего лишь на два очка отстал от серебряного призера (в сумме двоеборья толчок – 92, рывок – 86).

Чемпионом в весовой категории до 70 кг вновь стал представитель ЧВТКИУ – курсант Азим Тураев. Результат победителя двоеборья составил 290 очков: толчок – 88, рывок – 202. Захватывающую, упорную борьбу продемонстрировали серебряный и бронзовый призеры этой весомой категории курсант Ойбек Тапилов (ТВОКУ) и младший сержант Рустамбой Кодиров (ТВО). Оба спортсмена в сумме двоеборья набрали одинаковое количество очков – 226. В таком случае победа присуждается тому, кто легче соперника. Так, О. Топилов занял второе место, а Р. Кодиров – третье.

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
**Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

Шахмат

## ПЕШҚАДАМ РУСТАМНИ ЕНГОЛМАДИ

**Нидерландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида давом этаётган анъанавий шахмат фестивалининг “В” гуруҳи беллашувларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов тўққизинчи турда мусобақа пешқадамларидан бири Андрей Волокитинга (Украина) қарши дона сурди.**

Мазкур партия оқ доналарда ўйнаган украиналик гроссмейстернинг кескин ҳужумлари билан бошланди. Р.Қосимжонов рақибининг барча ҳамлаларини муваффақиятли қайтарди ва дурангга эришди. Ҳамюртимиз жами беш очко тўплаб, совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

Ўн тўрт нафар гроссмейстер иштирок этаётган турнирнинг қолган партияларида чехиялик Давид Навара ҳиндистонлик Кришна Шашикирани, италиялик Фабиано Каруана нидерландиялик Ирвин Айамини, испаниялик Франциско Вальехо Понс мезбон шахматчи Ян Верлени мот қилди. Энрике Мекинг (Бразилия) – Найжел Шорт (Англия), Захар Ефименко (Украина) – Йи Фан Хоу (Хитой), Александр Мотилев (Россия) – Дмитрий Рейндерман (Нидерландия) жуфтликлари ўртасидаги учрашувларда дуранг натижа қайд этилди.

Мусобақанинг навбатдаги турида Р. Қосимжонов Франциско Вальехо Понс билан куч синашади.

**ЎзА.**

# СПОРТ

## ОТЛИЧИЛИСЬ НА ПЕРВЕНСТВЕ

Наверное, не будет ошибкой, если сказать, что на сегодняшний день СВВАКИУ является одним из самых спортивных учебных заведений в стране. Не случаен и тот факт, что именно курсанты СВВАКИУ стали победителями телевизионного спортивно-эстафетного конкурса «Шижоат майдони».

В День защитников Родины, когда основная команда «Омад» Самаркандского училища добывала главную победу, в самом учебном заведении проходили соревнования на первенство училища. Живые, увлекательные состязания курсантов прошли по таким видам спорта, как перетягивание каната, шахматы, настольный теннис, мини-футбол, триатлон, метание гранаты, марафон и т.д.

В личном зачете отличились курсанты С. Султонов (шахматы), О. Касымов (настольный теннис), Ф. Норматов (марафон – 25 км), лейтенант О. Эрмаков (кросс – 1 км), курсант С. Жабборов, майор У. Тимофеев (пулевая стрельба) и курсант К. Карабаев (метание гранаты).

**Соб. инф.**

Футбол

## ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-машғулот йиғинини ўтказаётган Миржалол Қосимов бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари дастлабки ўртоқлик учрашувида УЕФА кубоги ва суперкубок соҳиби – Санкт-Петербургнинг «Зенит» (Россия) жамоаси билан куч синашди.

Ҳамюртларимиз илк дақиқаларданоқ ташаббусни қўлларига олиб, майдонда фаол ўйин кўрсатишга ҳаракат қилишди. Натижада маҳоратли ярим ҳимоячимиз Элдор Магдиев тез орада рақиб дарвозасини ишғол этди ва ўйин тақдирини ҳал қилган ягона тўпни киритди – 1:0.

Мазкур ўйинда жамоамиз дарвозабони И. Нестеров анча маҳорат кўрсатди. У рақибларнинг бир қатор хавфли зарбаларини бартараф этиб, ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди ва терма жамоамиз ғалабасига катта ҳисса қўшди.

Ушбу учрашувда М. Қосимов қуйидаги таркибни майдонга туширди: И. Нестеров, А. Ғофуров, И. Тўхтахўжаев, А. Исмоилов, С. Жўраев, Э. Магдиев, О. Аҳмедов, Т. Копадзе, Ж. Ҳасанов, С. Жепаров, Ф. Тожиев.

Режага мувофиқ 2 февралгача давом этадиган ўқув-машғулот йиғини доирасида терма жамоамиз 30 январь куни Чехиянинг «Славия» ва 1 февраль куни Озарбойжон терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувлари ўтказади.

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР ҚАТОРИДА

Футбол тарихи ва статистикаси халқаро федерацияси (IFFHS) доимий тарзда терма жамоалар, клублар, миллий чемпионатлар ва бошқа йўналишлар бўйича рейтингларни эълон қилиб келади.

Яқинда энг моҳир тўпурар ҳужумчилар рейтинги маълум қилинди. Унга миллий чемпионатларнинг олий лига баҳсларида 200 дан ортиқ тўп киритишга муваффақ бўлган футболчилар киритилди. Ушбу рўйхатдан мамлакатимиз вакили – Жаъфар Ирисметов ҳам ўрин эгаллаган. Таниқли ҳужумчимиз 378 учрашувда иштирок этиб, 222 маротаба рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олган. Мазкур рейтингнинг энг юқори поғонасини эса 560 та ўйинда майдонга тушиб, 541 та гол уришга эришган бразилиялик футбол «қироли» – Пеле эгаллаган.

IFFHS рўйхатидан яна бир ҳамюртимиз – Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов ҳам ўрин олган. У 2008 йилнинг энг яхши мураббийлари рўйхатига киритилган. М. Қосимов Италиянинг «Фиорентина» жамоаси бош мураббийи Чезаре Бранделли билан биргаликда рўйхатнинг 22-ўринидан жой олган. Рейтингнинг энг юқори поғонасида эса 264 очко билан Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби бош мураббийи Алекс Фергюсон бошчилик қилмоқда.

**М. САЙДИВАЛИЕВ.**

Каратэ-до

## НАГРАДЫ В ДЕНЬ ПРАЗДНИКА




В спортивном зале республиканского колледжа олимпийского резерва завершился международный турнир по каратэ-до среди юношей и девочек 1994 года рождения и младше.

Эти соревнования были посвящены всенародному празднику – Дню защитников Родины. Удачно выступили юные представители нашей страны. В активе узбекистанцев медали всех достоинств. Золотую медаль завоевал Бекзод Жураев (до 35 кг), серебряными призерами стали Олим Рахматжонов (до 40 кг) и Фозил Собиров (до 45 кг). Бронзовых медалей удостоились Бекзод Мамажонов (до 35 кг), Жалол Нуриллаев (до 30 кг) и Севара Муслимова (абсолютка).

Победитель и призеры турнира являются воспитанниками неоднократного чемпиона Узбекистана, победителя международного турнира, обладателя черного пояса (III дан) Камила Одилова.

Все победители и призеры соревнований были награждены медалями и дипломами соответствующих степеней, а также ценными призами. Церемония награждения юношам и девушкам запомнится надолго. Ведь она проходила 14 января – в День защитников Родины.

**Наш корр.**

Атлетический клуб будущего воина

## АТЛЕТИЧЕСКАЯ ГИМНАСТИКА – ЭТО СИЛА

### Развиваем мышцы брюшного пресса и поясницы

Исходное положение: основная стойка, гантели в вытянутых вверх руках. Круговые вращения туловищем. Дыхание произвольное.

Исходное положение: основная стойка, гантели в вытянутых вперед руках. Поворот туловища в сторону (1, 2) – вдох, в исходное положение – выдох.

Исходное положение: основная стойка, гантели в согнутых руках у плеч. Поворот туловища в сторону (3) – вдох, в исходное положение – выдох.

Исходное положение: основная стойка, одна гантель в вытянутой вперед руке, другая в согнутой руке у пояса (4). Поворот туловища в сторону (5) – вдох. Смена положения рук и возвращение в исходное положение – выдох.

Исходное положение: основная стойка, гантели в согнутых руках за головой или у плеч, наклоны туловища в обе стороны (6). Дыхание произвольное.






# МАДАНИЯТ

## БЕЛЛАШИШДИ «АЛПОМИШ», «БАРЧИНОЙ»ЛАР

**Маълумки, 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш тўғрисидаги Юртбошимиз фармойишига биноан ҳарбий қисм, олий ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактаблари, университет, институт, коллеж, лицей ва бошқа муассасаларда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Қисқача айтганда, умумхалқ байрами бўлган Ватан ҳимоячилари куни юртимизнинг ҳар бир гўшасида юксак тантана билан нишонланиб, айём таронаси узоқ-узоқларда ҳам акс-садо берди...**

Мазкур шодиёнага бағишлаб Самарқанд шаҳридаги «Концертлар зали»да «Шунқор йигитлар» ва «Иқболли қизлар» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларининг «Алпомиш» ва вилоят олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба қизлардан иборат «Барчиной» жамоалари ўзаро беллашдилар.

Муҳташам «Концертлар зали» ўша куни буткул ўзгача қиёфа ва жозиба касб этди, десам муболаға бўлмайди. Бир томонда барчанинг эътиборини эгниларидаги кўркам ҳарбийча либослари бирам ярашган ўктам ва норғул посбон йигитлар жалб қилса, иккинчи томонда қиёфаларида ёшлик гўзаллиги ва шижоати ифодалари намоён эртамиз давомчилари ҳисобланмиш талаба ёшлар ўзига тортади. Саҳна тантанага мос равишда безатилган бўлиб, ундан талаба ёшлар ҳамда курсантларнинг ижод намуналари ҳам ўрин олган.

Ниҳоят, томошабинларнинг олқишлари остида саҳнага бошловчилар – талаба қиз Руҳшона Омонова ҳамда билим юрти курсанти Фарҳод Тўраевлар мусобақа иштирокчиларини чорлашди. Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Шодиева тантанани қисқача кириш сўзи билан очар экан, ҳар иккала жамоа аъзоларига омадлар ёр бўлишини тилади.

Шундан сўнг барча орзиқиб кутган беллашув онлари бошланди. «Таништирув» деб номланган биринчи шарт бўйича «Алпомиш» жамоаси аъзолари жамоанинг ҳар бир аъзосига қувноқ шеърий таъриф келтириб, ўзларини таништирдилар. Посбонларимизнинг саҳнада ўзларини тутишлари, хатти-ҳаракатлари ҳамда тайёргарликлари барчага маъқул келгани зални тўлдириб ўтирган томошабинларнинг олқишларидан ҳам яққол намоён бўлди.

Ўз навбатида «Барчиной» жамоасининг лобар қизлари ҳам бўш келишмади. Жамоа аъзолари сўзамоллик, топағонлик, ҳозиржавоблик ва билимдонлик борасида маҳоратлари чакки эмаслигини шартни ижро этиш давомида кўрсата олдилар.

Иккинчи шарт бўйича ёшлар ҳаётидан бирор ҳажвий лавҳа кўрсатилиши керак эди. Унда томонлар бир-бирларининг кундалик фаолиятларини акс эттиришга ҳаракат қилишгани айниқса, қизиқарли чиқди. Масалан, курсантлар талабалар ҳаётидан қизиқ бир лавҳани ётоқхонадаги турмуш билан боғлаб, ҳазил тариқасида маромига етказиб намойиш этишган бўлса, қизлар ҳарбий хизматдаги қувноқ лаҳзаларни кулгили тарзда кўрсатиб бердилар.

Томонлар ўзларининг дубляж санъатида нималарга қодир эканликларини амалда кўрсатган учинчи шарт ҳам барчада қизғин таассурот қолдирди. Унда ҳар иккала жамоа аъзолари навбат билан саҳнага ўрнатилган мониторда намойиш этилаётган мультфильм қаҳрамонларига овоз беришиб, тимсолларнинг ҳаракатларини ҳаётий воқелик билан боғлаб кўрсатишга уриндилар.

Томонлар мусиқа ва санъат борасидаги билим ва маҳоратларини намойиш этишлари талаб қилинган тўртинчи шартда посбонлар айниқса, қизиқарли дастур кўрсатишга эришди. Улар ижрони маромига етказиш билан бирга билим юртидаги курсантлик ҳаёти, Ватанга хизмат, ҳарбий бурчга ва истиқлолга садоқат каби эзгу ҳис-туйғуларини қўшиққа сингдириб ифодалашга эришдилар. Куй-қўшиққа ҳамоҳанг тарзда посбонлар томонидан намойиш этилган жанговар санъатга оид кўргазмали чиқишлар дастурнинг яна ҳам жозибали чиқишини таъминлади.

«Барчиной» жамоаси аъзолари эса миллий рақс санъатининг сеҳрли ва фусункор қирраларини ижролари билан намойиш этиш орқали бунга жавоб қайтардилар.

Жамоалар сардорларининг билимдонлик даражаси, ҳозиржавоблиги, топағонлиги ва интеллектуал салоҳиятини синовдан ўтказишга қаратилган тўртинчи шартда улар ташкилий қўмита томонидан тузилган бир қатор саволларга жавоб бердилар. Бу борада ҳам «Алпомиш» жамоаси сардори – исми жисмига, танлаган йўлига мос курсант Сардор Камолов илғорликни қўлдан бермади. Таъбир жоиз бўлса, у бежизга мардлар касбини танламаганини, профессионал асосга ўтаётган ўзбек миллий армиясининг бўлажак офицери сифатида чинакам профессионал, ҳар соҳада етук бўлиб камол топаётганини кўрсата олди.

Жамоаларнинг танлов шартларини бажаришларига, тайёргарликлари ва салоҳиятларига қараб вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисининг котибаси Раҳима Ҳабибова бошлиқ ҳакамлар ҳайъати аъзолари – маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими бошлиғи ўринбосари Абдусами Қўзибоев, ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби шоир Ориф Ҳожиев, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд вилоят филиали директори ўринбосари Шавкат Бўрибоев ва офицер Ўлмас Шодиевлар баҳолаб боришди. Ҳар иккала жамоа аъзолари ҳам ғалаба учун астойдил тер тўкиб интилдилар. Бироқ ғолиблик маҳорат ва матонатда ўз сўзларини баралла айта олган «Алпомиш» жамоасига насиб этди. Лекин шундай бўлса-да, қизларнинг ҳам чинакам Тўмарис ва Барчинойлар издошлари экани эътироф этилди.

– Йигитларимиздаги шижоат, заковат, дадиллик, маҳорат ва бошқа қатор ижобий сифатларни кўриб, уларга қойил қолдик. Уларга бемалол Ватанимиз тақдирини, осойишталигимиз барқарорлигини асрашдек улуғ ишни ишониш мумкин. Курсантлар беллашувда ҳар томонлама ўзларини кўрсата олдилар. Шундай йигитларимиз борлигидан фахрланиб кетдим, – дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Ориф Ҳожиев.

– Ғалабага эришишимизда командирларнинг, устоз ва мураббийларимизнинг ҳамда жамоамизнинг ҳар бир аъзосининг ўрни катта, – дейди курсант Сардор Камолов. – Шу борада уларнинг ҳар бирига ўз миннатдорчилигимни билдириб қоламан.

Дарвоқе, Сардор билан бир сафда туриб, ғалабага ҳисса қўшган курсантлар Дониёр Абдурайимов, Салоҳиддин Ҳамдамов, Рустам Болтаев, Дамир Очилов, Анвар Жабборов ва Жамшид Раҳмоновларнинг ҳар бири ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Шунингдек, «Барчиной» жамоаси қизлари – Самарқанд Давлат университетининг тарих факультети толибаси Мухлиса Мустафоева бошлиқ Садоқат Примова, Дилафрўз Ҳайдарова, Зебунисо Эгамова, Зулфия Султонова, Людмила Норбоева ва Озода Мўминоваларга ҳам ушбу таърифни бемалол қўлласа бўлади. Зеро бу ёшлар Ватан меҳри, бунёдкорлик туйғуси ва истиқлол нафаси билан улғайиб келаётган эртамиз давомчиларидир. Уларнинг ижодий имкониятлари, билим-иқтидорларини юзага чиқарадиган бундай кўрик-танловлар тез-тез ўтказиб турилиши ёшларимизнинг ҳар томонлама шаклланишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Катта лейтенант Шаҳриёр КОМИЛОВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**












ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ, Ҳикмат НАСРИДДИНОВ.

Бош муҳаррир подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор Х. ЗАЙНИЛОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Р. Ислакаев** ва **З. Хошимов** томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 27600.
Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-6820.